МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 25 октябрь,
№89-90 (1057)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГУРБАНГУЛИ МЯЛИКГУЛИЕВИЧ БЕРДИМУХАМЕДОВНИ «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, тинчликни таъминлаш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Туркманистон Президенти Гурбангули Мяликгулиевич Бердимухамедов «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 октябрь

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:
# Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичи

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Ташрифнинг асосий воқеалари 24 октябрь куни бўлди. Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти ва қадриятлари муштарак, тил ва урф-одатлари ўхшаш. Икки халқ азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб келади, бир дарёдан сув ичади.

Аждодларимизнинг илмий, маданий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулкидир. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Туркманистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Махтумқули асарлари катта қизиқиш билан мутолаа қилинади ва тадқиқ этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Бунда аввало икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстлик, ишонч ва самимият муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги давлатлараро муносабатлар юксак даражада эканидан далолатдир.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг бу галги Ашхобод учрашуви олий даражадаги самарадор ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Президентларнинг очиқлик ва ишонч руҳида ўтган суҳбатида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинар экан, мамлакатларимиз манфаатлари муштараклиги, икки томонда ҳам кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун хоҳиш ва ирода мавжудлиги, давлатларимиз бунинг учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга экани таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашув давомида муҳокама этилган барча масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқинлиги қайд этилди.

Бу, айниқса, Афғонистон масаласига муносабатда ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистон ва Туркманистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида темир йўллар ва кўприклар барпо этиш, муҳим инфратузилма объектларини тиклаш, электр энергияси ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича лойиҳаларни амалга ошириб, бу орқали мазкур мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Дунёнинг турли минтақаларида вазият шиддат билан ўзгараётган, воқеалар ривожи олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатга келган, босқинчилик ва зўравонлик кенгайиб бораётган бугунги шароитда давлат раҳбарларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларидаги ҳамфикрлилиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов минтақада сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, сув-энергетика соҳасига доир масалаларни ҳал қилишда, жумладан, трансчегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда БМТнинг тегишли конвенцияларида белгилаб берилган халқаро меъёрларга мувофиқ иш тутиш, бундай объектларнинг лойиҳаларини мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар ўзаро ҳамкорлик стратегиясини ривожлантириш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан позиция ва қарашларни ўзаро мувофиқлаштириб бориш мақсадида олий даражадаги учрашувларни мунтазам давом эттиришга келишиб олдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2013 йилда 353,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь-август ойларида 246 миллион долларга етди. Лекин, қайд этилганидек, томонларнинг имкониятлари бу рақамлардан анча юқори.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон ҳукуматлараро комиссияси савдо ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг янада самарали чора-тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг иқтисодий ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари муҳим йўналишлардан биридир. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари яхши интеграциялашган тизим бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Туркманистон, балки учинчи давлатлар учун ҳам қулай транзит мажмуи вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Умон янги халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим муҳим геостратегик аҳамиятга эгадир.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз миришкор пахтакорлар!

Қадрли деҳқон ва фермерлар!

Сиз, азизларни шу кунларда ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингиз эвазига 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмони бунёд этиб, шартнома мажбуриятингизни адо этганингиз билан самимий табриклашдан, чин қалбимдан ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Пахта ўстиришнинг ўзи ҳар қайси деҳқон, фермер ва мутахассисдан нақадар мураккаб ва оғир меҳнатни, чуқур билим ва тажрибани, она еримизга меҳрини бериб, тупроқ билан тиллашиб яшашни, лўнда қилиб айтадиган бўлсак, кундалик фидойиликни талаб қилишини бутун элимиз, халқимиз яхши билади ва бу йилги мавсумда қўлга киритган зафарларингизни юксак баҳолайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Халқимизда, деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди, деган теран маъноли ибора бор. Бу йилги мавсум бу фикрни яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда. Баҳор фаслида ҳаво ҳароратининг одатдагидан нисбатан паст бўлгани, чигитнинг униб чиқиши 8-10 кунга кечиккани, айрим ҳудудларда ғўзани сел ва дўл уриб кетгани, турли касаллик ва зараркунандалар кўпайгани, ёздаги сув танқислиги, кузнинг анча эрта ва салқин келгани деҳқон ва фермерларимиз учун жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Жорий мавсумнинг мана шундай ноқулай ва мураккаб келишига қарамасдан, биринчи навбатда кўп йиллар давомида тўпланган тажриба ва замонавий агротехникани самарали қўллаганимиз, шулар қаторида ўз вақтида ғўзани «шарбат» усулида суғориб, маҳаллий ўғитнинг орттириб берилгани, олим ва мутахассисларнинг тавсия ва маслаҳатлари туфайли, қандай оғир бўлмасин, ҳосилни сақлаб қолишга эришганимиз, бир сўз билан айтганда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардлиги ва матонати, ташаббускорлиги бу йилги ютуғимизнинг қадр-қимматини янада оширади.

Шу маънода, бугунги юксак хирмонни бунёд этишда ўзини аямасдан, жонбозлик кўрсатиб, айтиш мумкинки, қаҳрамонона меҳнат қилган фермер ва деҳқонларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорчилик изҳор этиб, уларга таҳсин ва тасаннолар билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Азиз дўстлар, муҳтарам юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, юртимиз далаларида етиштириладиган ҳосилнинг, хусусан, пахта хомашёсининг тақдири биринчи навбатда ер унумдорлигига бевосита боғлиқ. Айни вақтда деҳқончиликда ҳар қайси экин майдони, ҳар қандай тупроқ унумдорлигининг ҳам чегараси борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис барчамизни боқадиган она заминимизнинг келажагини ўйлаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қабул қилган давлат дастури доирасида амалга оширган улкан ишларимиз қишлоқ хўжалигида қандай катта бурилиш ясаганини бугун кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Ўтган 6 йил давомида мамлакатимиз бўйича 1 триллион 300 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 миллион 750 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Фақатгина кейинги икки йилда пахтачилик бўйича ҳосилдорлик 24 центнердан 26,5 центнерга ошгани ана шундай кенг кўламли ишларимизнинг муҳим натижаси бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Охирги йилларда мамлакатимизда янги ғўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 100 дан ортиқ янги навлар яратилгани, уларнинг 27 таси давлат реестрига киритилиб, амалда жорий этилаётгани ушбу тармоқнинг изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, эътироф этишимиз керакки, бугунги кунда Ўзбекистон шароитида ҳар қайси вилоят ва туман учун мос келадиган, серҳосил, юқори сифатли тола берадиган, эртапишар ғўза навларини чиқариш ва районлаштириш энг долзарб, ечимини барча деҳқонларимиз орзиқиб кутаётган муаммо бўлиб қолмоқда. Ана шу муҳим масалани ҳал этиш аввало мутасадди олимлар, селекция соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг асосий вазифаси эканини яхши биламиз ва улардан бундай ғўза навларини тезроқ яратишларини кутамиз.

Бу йилги мавсум давомида биз дуч келган мураккаб синов ва қийинчиликларни бартараф этишда интенсив агротехнологиялардан оқилона фойдаланиб, ғўза қатор оралари ҳар йилгидан 4-5 марта кўп, ўртача 12 мартадан зиёд сифатли культивация қилингани, гектарига 5 тоннадан, жами 13 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Бугун барчамизга аён — биз қўлга киритаётган ютуқ ва марраларнинг асосий гарови ва ҳал қилувчи кучи бўлмиш фермерлик ҳаракатининг олдида турган муаммоларни ечиш, унинг қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, қишлоқ ҳаётидаги ролини кучайтириш бўйича олиб бораётган ишларимиз аввало бу йилги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишда, етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиб-териб олишда мустаҳкам замин туғдирди, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Бунинг яққол тасдиғини республикамиз пахта хирмонининг қарийб 90 фоизи юқори сортларга топширилгани ҳам исботлаб беради.

Нафақат қишлоқ хўжалиги, балки иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида эришаётган марраларимиз аввалambор халқимизга хос меҳнатсеварлик, мардлик ва матонат каби фазилатларда, ҳаёт ўзгариши билан одамларимизнинг онгу тафаккури тобора ўзгариб, уларнинг ўз ерига эгалик, масъулият ва дахлдорлик туйғуси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти ортиб бораётганида намоён бўлмоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Мана шу қувончли айёмда ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.

Айниқса, Амударё, Элликқалъа, Олтинкўл, Пахтаобод, Балиқчи, Пешку, Олот, Муборак, Яккабоғ, Қизилтепа, Навбаҳор, Наманган, Нарпай, Қумқўрғон, Бешариқ, Қува, Гурлан, Хонқа, Хива туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани қисқа фурсатда, 20-25 кунда бажариб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлгани таҳсинга лойиқдир.

Бухоро туманидаги «Ислом Нарзиобод», Жондор туманидаги «Жонибек Фарҳод», Арнасой туманидаги «Сангзор», Дўстлик туманидаги «Эшниёз бобо», Миришкор туманидаги «Камалак», Шаҳрисабз туманидаги «Умида она ўғли», Навбаҳор туманидаги «Арслон бобо», Кармана туманидаги «Авез бобо», Пахтачи туманидаги «Мирзаев Шуҳрат», Қумқўрғон туманидаги «Мунчоқтепа истиқболи», Бекобод туманидаги «Комилжон», Ҳазорасп туманидаги «Ғофур Руҳия», Хонқа туманидаги «Мадир Хонқа» сингари ҳосилдорликни гектаридан 45-52 центнерга етказиб, юксак натижаларга эришган илғор фермер хўжаликларига самимий ташаккур билдираман.

Шулар қаторида фидокорона меҳнат қилиб, катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган фермер ва деҳқонларимизга, Ватанимизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга «Балли сизга, азизларим!» деб, уларни чин қалбдан табриклаш менга катта хурсандчилик бағишлайди.

Муҳтарам дўстлар!

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг пахтачилик соҳасида етакчи мамлакатлардан бири сифатидаги обрўйи ва нуфузи тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўнинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 50 га яқин давлатдан дунё бозорида ном қозонган 1000 дан зиёд йирик фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этиб, деҳқонларимизнинг пешона тери билан етиштирилган пахта толасига, аввалambор, унинг юксак сифатига катта қизиқиш билдиргани ҳам шундан далолат беради.

Маълумки, 90-йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланар эди. Ўтган қисқа даврда бу борадаги кўрсаткич 6 баробардан зиёд кўпайгани ҳамда бугунги кунда 44 фоизни ташкил этиб, чет мамлакатларга сотилаётган пахта толасига яна қўшимча қиймат қўшишга имконият яратаётгани шу йўналишда узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг амалий самарасидир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда пахтачиликдан олинадиган ялпи даромад ўтган йилга нисбатан 12 фоиз ёки 400 миллиард сўмдан ортиши кутилмоқда. Бу йил пахта хомашёсини юқори сортларга сотишнинг ўзидан фермер хўжаликлари 200 миллиард сўмдан зиёд қўшимча даромад олишга муваффақ бўлишди. Бунинг ҳисобидан биз деҳқон ва фермерларимизнинг, қишлоқ аҳлининг даромадларини оширишга, кўзлаган эзгу марраларимизга етиш, эл-юртимизни янада обод ва фаровон бўлишига эришамиз, иншоолло.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шундай хурсандчилик кунларда барчангизни мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилган катта меҳнат ғалабаси билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Эл-юртимиз, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин!

Яратганимизнинг ўзи барчамизга доимо мададкор бўлсин!

Ҳеч қачон кам бўлманг, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, қадрдонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

ПАХТА — 2014

# Улкан зафар муборак!



**Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги кенг нишонланган жорий йилда пахтакорларимиз 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, шартнома мажбуриятини ошириб бажарди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, фермер хўжаликларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ерга муносабатнинг ўзгаргани миришкорларимиз муваффақиятида муҳим омил бўлди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш замирида заҳматкаш, ишнинг кўзини биладиган, азму шижоатли бободеҳқонларнинг машаққатли меҳнати мужассам. Жорий йилда ҳам сермаҳсул, заракунанда ва касалликларга чидамли, иқлим шароитимизга мос ғўза навлари экилиб, агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги қарорига асосан майдонларда иқлим шароитимизга мос, ингичка ва ўрта толали ғўза навлари парваришланди. Далаларга ғўзанинг «Бухоро-6», «Бухоро-102», «Султон», «Наманган-77», «С-6524», «Ибрат», «Меҳнат» каби эртапишар, саноатбоп, серҳосил, жаҳон пахта бозорида харидоргирлиги билан ажралиб турадиган навлари экилди. Натижада тажрибали деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига сифатли пахта хомашёси тайёрланди.

> [2]

# Осойишталигимизнинг ишончли посбонлари

*Мамлакатимизда 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни кенг нишонланмоқда*




**Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг, халқимиз фаровонлигининг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор.**

> [3]

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

# Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу ғоянинг ҳаётга татбиқ этилиши Марказий Осиё давлатларини Яқин Шарқнинг иқтисодий фаол кўрфазларидаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконини беради. Бу келгусида божхона соҳасида, автомобиль, темир йўл ва денгиз транспорти орқали юк ташиш ва транзит қилишда қулайликлар яратилишига йўл очади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қўшма лойиҳалар сармоявий ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этади.

Экспертларнинг фикрича, лойиҳа ижроси якунига етгач, бошқа мамлакатлар ҳам ундан фойдаланишдан манфаатдорлик билдиради. Бу лойиҳанинг жозибадорлигини янада оширади.

Иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларидан яна бири энергетика соҳасидир.

Ўзбекистон ва Туркманистонда углеводород ресурсларининг йирик захиралари мавжуд, лекин икки мамлакат ҳам жаҳон бозорларига тўғридан-тўғри чиқиш йўлига эга эмас. Бундай шароитда ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик яхши самара беради. Бунга муваффақиятли амалга оширилаётган ва мамлакатларимизга табиий газ экспорти йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой трансмиллий газ қувури лойиҳаси яққол тасдиқ бўлади.

Музокарада қўшма корхоналар, миллий фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сонини кўпайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг салоҳиятини намойиш этишга, тадбиркорларнинг бевосита мулоқотлари учун янги имкониятлар очишга хизмат қиладиган миллий кўргазмаларни ташкил қилиш анъанасини изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Туркманистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўриклар, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда.

Келишувга биноан бундан буён ҳам иккала мамлакатда ташкил этиладиган маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари ҳақида мунтазам равишда маълумот алмашиб борилади ҳамда маданият ва санъат намояндаларининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъминланади. Рассомлар асарлари кўргазмаларини, ҳунармандлик маҳсулотлари ярмаркаларини, мусиқа ва театр жамоаларининг ижодий сафарларини ташкил этиш давом эттирилади.

Музокарада сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. «Буюк ипак йўли» сайёҳлик лойиҳаси доирасида комбинациялашган саёҳатлар ташкил қилиш орқали бу соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга келишиб олинди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркманистон, Туркманистонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин яратилади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси воситалари етказиб беришга, ташқи сиёсат маҳкамалари ва савдо-саноат палаталари ўртасидаги муносабатларга, экология соҳасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташриф ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг давоми бўлганини, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидладилар. Музокаралар очиқлик, ўзаро англашув ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари манфаатлари йўлидаги серқирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Саммитнинг асосий воқеалари ниҳоясига етгач, давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлди. Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлидаги буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистоннинг Махтумқули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланди. Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик» ордени топширилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов «Halk hakydasy» («Халқ хотираси») хотира мажмуига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушида ҳамда Гўктепа жангида (1880-1881) ҳалок бўлганлар, Ашхобод зилзиласи (1948) қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди. Ислом Каримов ушбу воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатлари билан танишиб, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга расмий ташрифи якунига етди. Ашхобод музокаралари ва эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Туркманистон ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан собитлик билан бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент — Ашхобод — Тошкент.*

## САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

# Экоҳаракат сайлов қонунчилиги асосида шакллантирилади

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, юртдошларимизнинг табиий ресурсларни асраш, улардан оқилона фойдаланиш, келгуси авлодлар учун соф табиий муҳитни сақлаб қолиш сингари масалаларга эътибори тобора ортаётир.**



**Абдураҳим ҚУРБОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси.**

2008 йилнинг 20 сентябрида Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон экологик ҳаракати бугун мустақил юртимизда фаолият юритаётган энг фаол жамоат ташкилотларидан бирига айланди. Давлатимизнинг миллий хавфсизлигига жиддий хавф солаётган яширин куч — экологик муаммоларга барҳам бериш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштиришда жамоатчилик фаоллигини кучайтириш, бу борада қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ҳаракатнинг бош мақсадидир.

Маълумки, дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида экологик ёки «яшиллар» ҳаракатлари мавжуд. Афсуски, мазкур ташкилотлар ўз олдига сиёсий мақсадларни — вакиллик органларида ўринлар эгаллаш вазифаларини қўймоқда. Парламентда ўрин олгач, саъй-ҳаракатларини, аввало, сиёсий курашларга йўналтириб, экология масалалари билан амалда шуғулланишмаяпти.

Ўзбекистонда эса атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги амалдаги қонунларга замон талаби асосида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини қабул қилиш, мазкур йўналишдаги қонунлар ҳамда Президентимиз фармонлари, қарорлари ва ҳукумат қарорлари, шунингдек, қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш Экоҳаракатнинг устувор вазифаларига айланган.

Экоҳаракат давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан экологик ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилиши бўйича ташаббуслар билан чиқмоқда.

Мазкур вазифаларнинг самарали ҳал этилиши кўп жиҳатдан ҳаракат иштирокчиларининг фаоллигига, улар фаолиятининг жамоат бирлашмалари ва қолаверса, давлат тизими томонидан қўллаб-қувватланишига боғлиқ. Шу маънода, 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун муҳим амалий аҳамиятга эга.

Мазкур қонун мамлакатимизнинг демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни янги ўзанга солди. Ўзбекистон Республикасининг 13 та қонунига, шунингдек, Конституциянинг 77-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди. Жумладан, юқорида номи қайд этилган қонунга мувофиқ Бош Қомусимизнинг 77-моддаси 1-қисмига Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага кўпайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Бунда 135 депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланди.

Ўн бешта депутатлик ўрни ўз сафига кенг жамоатчиликни, мутахассислар, олимлар, шунингдек, шу соҳада фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларни бирлаштирган жамоат ташкилоти — Ўзбекистон экологик ҳаракатига ажратилди. Мазкур ҳаракат сиёсий ташкилот ҳам, партия ҳам эмас. Унинг фаолияти, сиёсий қарашларидан қатъи назар, аҳолининг деярли барча қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг аниқ муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган. Шу тариқа жаҳон парламентаризми тарихида илк бор парламентимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати учун депутатлик ўринларини махсус квоталаш институти жорий этилди. Бу янгилик атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ҳамда экологик муаммоларни бартараф этишда парламентнинг ролини ошириш имконини берди.

Мазкур қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунига алоҳида $7^1$-боб киритилиб, унда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш тартиби, депутатликка сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар, Марказий сайлов комиссиясига депутатларни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, депутатларнинг такрорий сайловини ўтказиш тартиби ва сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, депутатларнинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар Экоҳаракатнинг республика конференциясида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сайловни ўтказиш муддатлари ва тартибини белгилаш, Экоҳаракатдан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатликка номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га кўра амалга оширилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 48-моддасида Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган пайтдан эътиборан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати мақомига эга бўлди. Экоҳаракатдан сайланган депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар гуруҳини тузиши мумкинлиги белгиланди.

Экоҳаракат ўтган давр мобайнида атроф-муҳит муҳофазаси ва соғлом муҳит яратиш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида самарали фаолият олиб борди. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 27 январидаги қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, «... Ўзбекистон экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Экоҳаракатдан сайланган депутатлар депутатлик гуруҳи Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, фаолиятининг ҳаракат дастурини ишлаб чиқиб, шу асосда қонун ижодкорлиги соҳасида қизғин иш олиб бормоқда. Депутатлар гуруҳи ҳаётимизнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалари ечимининг ҳуқуқий асоси бўлган қонунлар мазмун-моҳиятини чуқур ўрганган ҳолда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада такомиллаштиришга, давлат ҳокимияти идораларининг, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳадаги ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятни ошириш юзасидан тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Бу борада Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари парламентдаги сиёсий партия фракциялари, қўмиталари томонидан ташкил этилган қонун ижодкорлиги, парламент эшитувларида, назорат таҳлилларида, давра суҳбатларида, семинарларда ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан фаол иштирок этаётир. Чунки атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнида юзага келадиган мураккаб экологик-ҳуқуқий муносабатларни мутаносиб равишда ҳал этиш соҳага оид қонун ҳужжатларининг ҳолати ва уларни босқичма-босқич такомиллаштиришга, экологик сиёсатни муваффақиятли олиб боришга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Фармойишига мувофиқ тасдиқланган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури» ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ишлаб чиқилган «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг «Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик» номли 6-моддаси еттинчи қисмига биноан кузатувчиларга «Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракатининг конференциясида иштирок этиш» ҳуқуқи берилди.

Кузатувчиларга Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов бўйича конференциясида иштирок этиш ҳуқуқининг берилиши Экоҳаракатдан депутатлар сайловининг ошкоралиги ва очиқ-ойдинлигини таъминлаш имкониятини яратади.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан эса «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунга, Бюджет, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга Марказий сайлов комиссиясини демократик шакллантиришга, унинг фаолияти асосий принципларини белгилашга, унинг мустақиллигини, шу жумладан, молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга, шунингдек, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг «Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари» номли 5-моддаси «Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов бўйича конференциясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади», деб тўлдирилди ва Экоҳаракатдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар яширин овоз бериш орқали сайланиши учун ушбу ҳаракатнинг республика конференцияси ўтказилиши билан мустаҳкамланди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон экологик ҳаракатига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз вакиллигини таъминлаш имкониятининг берилганлиги, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳозирги ва келажак авлодларининг қулай атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитнинг табиийлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва уларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун кенг шароитлар яратади.

## ЎҚУВ КУРСЛАРИ

# Мавзулар долзарб, машғулотлар мазмунли

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Жиззах вилоятида ташкил этилган ўқув курсида фуқаролар йиғинларининг 251 нафар ходими малака оширди.**

**Бек НАЗАР**
**«Mahalla»**

Вилоятда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малака ошириш ўқув курси учун махсус жиҳозланган хоналар ажратилган. Машғулотларни олий ўқув юртларининг малакали ўқитувчи ва профессорлари олиб бормоқда.

— Фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, масъул котиблар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбарларининг билим ва малакаларини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди ўқув курси раҳбари Абдураҳим Султонов. — Ушбу курсларга давлат таълим муассасаси шаклидаги курс мақоми берилгани фаолият самарадорлигини таъминламоқда. Машғулотлар замонавий илғор усуллардан, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ушбу курсларда вилоятдаги фуқаролар йиғинларининг 28 нафар раиси, 99 нафар котиби ва 114 нафар маҳалла посбони малака оширди. Тингловчилар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бошқарув жараёнларининг ўзига хослиги, ташкилотчилик маданияти, раҳбарлик ва етакчилик, ижтимоий масъулият ва адолат мезонлари каби асосий йўналишлар бўйича маърузалар тинглашди.

Шунингдек, тингловчилар ёшларни касбга йўналтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, оилавий тадбиркорлик, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича билим ва малакаларини оширишмоқда.

## ПАХТА — 2014

# Улкан зафар муборак!

< [1]

Далалар тежамкорлик билан суғорилди, ғўза қаторларига меъёрида ишлов берилди. Хизмат кўрсатувчи ва таъминот ташкилотлари билан шартнома асосида иш олиб борилгани боис минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб беришда узилишлар бўлмади.

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон пахтасининг юқори сифати жаҳонда кенг эътироф этилиб, тўқимачилик маҳсулотларимизга хорижда талаб тобора ортмоқда. Жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари Тошкентда ўтган X халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида бу яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ярмаркада 580 минг тонна пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган шартномалар тузилди.

Мустақиллик бизга пахта хомашёсини сўнгги босқичгача қайта ишлаш имконини берди. Мисол учун, кейинги йилларда енгил саноатга 2 миллиард доллар миқдорида инвестициялар жалб этилди. Сингапур, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Япония, АҚШ, Европа иттифоқи ва МДҲ мамлакатлари ҳамда бошқа давлатларнинг сармоядорлари иштирокида янги корхоналар қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича икки юздан зиёд лойиҳа амалга оширилди.

Бугунги деҳқон — ер эгаси, тадбиркор. У етиштираётган пахта хомашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиб, қишлоққа саноатни олиб кирмоқда, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишга фаол ҳисса қўшаётир. Мўл ҳосил етиштираётган тажрибали, илғор фермерлар сафи йил сайин кенгаймоқда.

Жорий мавсумда пахта далаларида «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган МХ-1,8 модернизацияланган пахта териш машиналари иштирок этгани соҳадаги илғор ютуқлардандир. Фойдаланиш жуда қулай, ҳосилнинг 90 фоизигача тўлиқ тера оладиган машиналар фермерларга маъқул бўлмоқда. Бу йилги мавсумда пахта далаларида 1200 дан зиёд ана шундай машина пахтакорлар оғирини енгил қилиб, ҳосилнинг салмоқли қисмини теришда муҳим роль ўйнади.

Давлатимиз раҳбари томонидан фермерлар меҳнатини рағбатлантиришга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳосил салмоғининг кўпайишида муҳим омил бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги «Давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжаликларига контрактация шартномасидан ортиқча топширилган пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижроси доирасида пахтачилик билан шуғулланувчи 12 мингдан ортиқ фермер хўжалигига пахта шроти ва шелухаси берилди. Юқори ҳосилдорликка эришган 1200 фермер хўжалиги бир қатор имтиёзлардан фойдаланмоқда.

— Мамлакатимиз фермерлари қилган меҳнатига яраша даромад олаётир, — дейди Кармана туманидаги «Авез бобо» фермер хўжалиги раҳбари Қаҳрамон Рўзиев. — Бу йил 60 гектарда «Бухоро-6» навини етиштириб, биринчи теримдаёқ шартнома мажбуриятини адо этдик ва 285 миллион сўм даромад қилдик. Қишлоқ аҳли учун замонавий шароит яратиб бераётган Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

Пахтакорларимизнинг бу улкан ғалабаси Ватанимиз иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

# Осойишталигимизнинг ишончли посбонлари



< [1]

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни кенг нишонланаётгани ушбу масъулиятли касб соҳибларига бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир. Мазкур сана муносабати билан Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А.Аҳмадбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тараққиётида янги-янги муваффақиятлар қўлга киритилаётганини таъкидлади. Бунинг замирида мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлик, осойишталик, ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити мужассам.

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга бўлган эътибор бу жараёнда алоҳида аҳамият касб этаётир. Бу борада тизимнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идораларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, барча тузилмалар сифат жиҳатдан бутунлай янгича асосда шакллантирилди.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Тезкор-қидирув хизмати ва терговлар бўлинмалари мустаҳкамланди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги, пост-патруль, профилактика хизматлари, ёнғин хавфсизлиги тизими замон талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Профилактика инспекторларининг маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда аҳоли ўртасида олиб бораётган тарғибот-тушунтириш ишлари, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига доимий эътибор қаратилаётгани шаҳар ва қишлоқларимизда ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида уч мингга яқин маҳаллада бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани ҳам ана шу ҳамкорлик натижасидир.

Ички ишлар идораларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани ва юксак малакали, профессионал кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилгани, шахсий таркибнинг нафақат касб маҳорати, балки маънавий-маърифий, сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий билимини ошириш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг хизматини рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам соҳадаги ютуқларни кўпайтирмоқда. Эл-юртимиз осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган кўплаб ички ишлар идоралари ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлгани фикримизнинг исботидир.

Президентимизнинг 2014 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармони бунинг яққол тасдиғидир.

Тадбирда мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Президентимизнинг фармони соҳамизга бўлган юксак эътибор ва ишонч ифодасидир, — дейди Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи Тўлқин Ғозибеков. — Ана шу ишончни оқлаш, халқимиз тинчлиги, мамлакатимиз осойишталиги йўлида меҳнат қилиш ички ишлар ходимларининг муқаддас бурчидир.

Тантанали тадбирга санъаткорларнинг концерт дастури байрамона руҳ бағишлади.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

**ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ**

# Тўкис ҳаёт учун тўлиқ кафолат

**Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик, барқарорлик ҳукм суради. Бош Қонунимизда оила жамиятнинг асосий бўғини экани ҳамда унинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган.**

**Нилуфар ТОЖИБОЕВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари.**



Юртимизда оилани ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишлар амалга оширилаётир. Конституциямизнинг XIV боби «Оила» деб номланган ва унинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган. Шунингдек, ушбу бобда оила билан боғлиқ муносабатлар, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши конституциявий норма сифатида қайд этилган.

Халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари, оилавий муносабатларнинг ривожланишига фаол таъсир кўрсатишга оид барча қоидалар ва нормалар мажмуи саналмиш Оила кодекси Конституция асосида яратилди. Унда болаларнинг ҳуқуқлари ва ота-оналарини моддий таъминлаш тўғрисидаги мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим ҳаётий масалаларга кенг ўрин ажратилган.

Маълумки, республикамизда янги йилга алоҳида ном берилиб, йил бошида махсус Давлат дастури ишлаб чиқилади. Бу билан истиқболдаги режа ва мақсадларга пойдевор қўйилади. Бу эзгу интилиш, айниқса, шу йўналишдаги миллий қонунчиликнинг қайта кўриб чиқилиши ва такомиллаштирилиши, янги қонунлар қабул қилинишида яққол намоён бўлади. Бунга биргина мисол. 2012 йил — Мустаҳкам оила йилининг 26 апрелида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ҳозир ушбу ҳуқуқий ҳужжат аҳолининг моддий фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Зеро, оила мустаҳкамлиги унинг моддий барқарорлигига ҳам боғлиқ.

Бахтли ҳаёт кечириш, соғлом фарзандларни тарбиялаш ва уларнинг камолини кўриш халқимизнинг орзу-интилиши, ҳаётий мақсадларининг узвий қисмидир.

Аҳоли ўртасида никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш борасидаги тарғибот тадбирларимиз маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида олиб борилмоқда.

Бугунги кунда маҳаллалар қошида «Ота-оналар унверситети», «Ёш оила қурувчилар» мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тизимда тиббий кўрик, никоҳ ришталари, уни сақловчи омиллар, ота-оналик масъулияти, фарзанд тарбияси, эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари бўйича ахборот-таълим дастурлари амалга оширилмоқда.

Тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадидаги тарғибот ишлари натижасида ёшларимизда, ота-оналарда тиббий кўрикка нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. 1999 йилда расмий никоҳдан ўтаётган келин-куёвларнинг тўйдан олдин тиббий текширувдан ўтиш даражаси 40-50 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич анча юқори.

Жорий йилнинг тўққиз ойида республика миқёсида 273 минг 682 нафар никоҳланувчи шахс тиббий кўрикдан ўтказилди. Касаллиги аниқланган 1647 нафар бемор амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштирилди. Шунингдек, 8 миллион нафарга яқин аёл, 7 миллион нафардан зиёд бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, аёлларнинг 42 фоизи, болаларнинг 37,8 фоизи соғломлаштирилди. Саъй-ҳаракатлар натижасида эрта туғуруқлар, оналар ўлими кескин камайди.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 17 минг нафардан зиёд патронаж ҳамширалар, 8,5 минг нафарга яқин оилавий шифокорлар аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда мазкур жараёнларни ташкиллаштиришда фаол қатнашиб келмоқда.

Амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар юртимиздаги ҳар бир оиланинг ҳаёти, турмуш фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилади. Бунга мукаммал ва мустаҳкам ҳуқуқий асос — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишончли кафолатдир.

**РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ**

# Томдан томчи томмаса таъбинг хира тортмайди

**Бугун одамларнинг турмуш тарзи, тафаккури ўзгаряпти. Шаҳримиз қиёфаси янгидан чирой очяпти. Андижоннинг Ўзбекистон, Амир Темур, Истиқлол, Навоий шоҳкўчаларини кўрган одам ўзини Европа шаҳарларида юргандек ҳис этса ажабмас.**

**Қодиржон РАСУЛОВ, Андижон шаҳридаги 6-сонли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Йиғинимиз ҳудудида 20 та кўп қаватли уйдаги 954 та хонадонда 4 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Биринчи галда бу тураржойларнинг том қисмларини кўздан кечирдик. Чунки ўтган йили ёмғир, қор ёққанда томлардан чакка ўтиб, одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган эди.

Фуқаролар йиғини билан «Эзгу мақсад сари» уй-жой мулкдорлари ширкати ҳамкорлиги имкониятимизни оширди. Ширкат раиси Равшанбек Дадамирзаев билан тураржойларни таъмирлаш бўйича пухта режа ишлаб чиқдик. Бизга «Асакабанк»нинг Андижон вилояти бўлими кўмак кўрсатди. Чунончи, иккита уйнинг таъмири учун 161 миллион сўм кредит расмийлаштирилди. Маблағни олиш, пудратчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш, қурилиш ишлари назорати маҳалла билан ширкат зиммасига юкланди. Қисқа фурсатда 2 та уйнинг том қисми тунука билан қопланиб, яна 3 та уйда ана шундай ишларга киришилди.

«Ишнинг кўзини иш очади», деган мақол бежиз айтилмаган. Уйларнинг том қисми таъмирланганидан сўнг ички йўллардаги носозликлар кўзга ташланиб қолди. Бу муаммо бўйича ҳам ширкат раҳбарияти билан ҳамкорликда режа туздик. Маблағ масаласида Андижон шаҳар ҳокимлиги ёрдам берди. Шу кунга қадар Бўстон кўчасида 300 метр, Режапов кўчасида 300 метр, 19-умумтаълим мактаби атрофида 150 метр йўл тўлиқ асфальтланди.

Гузарларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва ободонлаштириш кўламини кенгайтириш тадоригини ҳам кўряпмиз. Ҳозир йиғинимизда 3 та 2 қаватли озиқ-овқат дўкони қад ростлади. Тадбиркор Баҳромжон Қурбонов томонидан автосервис қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, дорихона, новвойхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам аҳоли хизматида.

Ширкат билан маслаҳатлашиб маҳалла гузарини кенгайтириш бўйича шаҳар ҳокимлигига таклиф киритдик. Ўйлайманки, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари асосида тайёрланган бу таклифлар тез орада ижобий ҳал бўлади.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, бу йил Андижонда куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида катта ишлар бажарилди. Шаҳарнинг 1-, 2-, 3-, 4- ҳамда Қўшариқ даҳаларидаги 500 дан ортиқ кўп қаватли уйларнинг том қисмлари, йўлаклари, ҳовли саҳнлари таъмирдан чиқарилди. Айниқса, ҳар бир ширкат ҳудудида болалар майдончалари қурилишига алоҳида эътибор қаратилди.



**КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН**

# Истеъмолчи мурожаати адолатли ечим топади

**Маҳалламиз сўнгги йилларда чирой очиб, бу ерда янгидан-янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, супермаркетлар қурилди. Шунга мувофиқ тарзда аҳолининг турмуш тарзи ҳам ўзгармоқда. Эски уйлар ўрнида пишиқ ғиштдан қурилган, барча қулайликларга эга замонавий тураржойлар қад ростлаяпти.**

**Зайнаб РАУПОВА, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «Сарипул» маҳалла фуқаролар йиғини раисаси.**

Орзу-ҳаваслар ҳам шунга яраша: кимдир тўй қилсам, кимдир машина сотиб олсам, дейди. Фарзандини олий маълумотли қиламан деганлари қанча. Хуллас, одамларнинг ҳаётга муносабати, интилишлари кўтаринки.

Савдо ходими тарозидан уриб қолса ёки харидорга сифатли хизмат кўрсатмаса «ғинг» демай кетадиганлар маҳалламизда йўқ. Ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш учун кимга ва қаерга мурожаат қилишни бугун барча яхши билади.

Йиғинимизнинг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Чунки аҳоли томонидан мурожаатлар тушиб турибди. Уларни ўз вақтида ҳал этиш кишиларнинг маҳаллага ишончини орттиради. Эл орасида обрў-эътиборга эга инсонлардан иборат комиссия аъзолари ҳар бир мурожаатни адолатли ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Сир эмас, бугунги кунда савдо-сотиқда банк пластик карточкалари билан боғлиқ баъзи муаммолар учраб турибди. Ҳудудимизда 42 та хизмат кўрсатиш шохобчаси, 12 та савдо дўкони, 2 та супермаркет ва 2 та мини-маркет бор. Олдин уларнинг бирортасида терминал йўқ эди. Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш комиссияси аъзоларининг саъй-ҳаракати билан ушбу савдо нуқталарининг 7 тасига терминал ўрнатилди. Бундан фуқароларимиз мамнун. Тадбиркорларга амалдаги қонунчилик, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар берилмоқда. Чакана савдо корхоналари, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шарт. Ушбу талабни бузиш тушумни яшириш, деб баҳоланади ва айбдорларга нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилади. Ишбилармонларга шулар билан бирга банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш талабларига сўзсиз риоя этиш зарурлиги тушунтирилмоқда.

Яқинда тадбиркор Феруз Раҳмонов мини-маркет қуриб, ишга туширди. Тўлов терминали ўрнатмасдан савдо қилишни бошлади. Жамоатчилик тезда буни назоратга олгач, мини-маркетда тўлов терминали ишга туширилди. Баъзи савдо дўконларида тўлов терминали учун банкка ариза бериб қўйилгани рўкач қилиниб, савдо нақд пулга амалга оширилади. Жамоатчилик назорати комиссияси банк орқали бу масалага ҳам ойдинлик киритди. Комиссия раиси Эшмурод Бозоров аввал туман истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятида ишлагани боис тартиб-қоидани яхши билади. Шу боис 3 та савдо шохобчасини терминал билан таъминлашга эришди.

**ФОНД КЎМАГИДА**

# Самарали меҳнат учун шароит ҳам, рағбат ҳам бор

**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Самарқанд вилояти бўлими томонидан йиғинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инфратузилмасини янада такомиллаштириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва хайрия ишларини тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**




**А. ЙЎЛДОШЕВ «Mahalla»**

Ўтган йили Фонднинг вилоят бўлими томонидан салкам юз миллион сўм маблағ сарфланиб, 15 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси таъмирланди, 6 та янги мавзе ва маҳалла бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. Жорий йилда эса вилоятдаги 8 та маҳаллада замонавий гузар қад ростлади.

Фуқаролар йиғинлари биноларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қуриш ишларини ташкиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида Нарпай туманидаги «Ноғорахона», Самарқанд туманидаги «Янгиариқ», Пахтачи туманидаги «Зиёвуддин», Иштихон туманидаги «Халқобод» ва Каттақўрғон туманидаги «Полвонтепа» маҳаллаларида талайгина ишлар амалга оширилди.

Яқинда Жомбой туманидаги «Тут» ҳамда Ургут туманидаги «Мирзабоғлон-Чеп» йиғинларининг биноси қайта таъмирланди.

Жорий йилда Фонднинг ҳудудий бўлинмаларига 25 млн. 440 минг сўмлик 16 дона ноутбук ва 44 млн. 912 минг сўмлик мебель жиҳозлари тақдим этилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларига эса 159 та компьютер ва 218 та мебель жамланмалари олиб берилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини яхшиланиши фаолият самарадорлигини таъминлаётир. Жумладан, жорий йил давомида олти мингга яқин маданий тадбир, учрашувлар ташкил этилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига Фонд ҳисобидан 6,2 млн. сўм ажратилди.

Эҳтиёжманд оила фарзандларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида вилоят ҳамда республикамиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳатлари уюштирилди.

Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларга кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар тарқатилмоқда.

Шунингдек, турли байрамлар арафасида Фонд тизими ва фуқаролар йиғинида самарали меҳнат қилаётган фаоллар мунтазам рағбатлантирилмоқда.

**МАҲАЛЛА ГУЗАРИ**

# «Биллур» замонавий ва муҳташам қиёфада

**Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги «Биллур» маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган замонавий уй-жойлар ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.**

**Камола МУСАЕВА.**

Ижтимоий инфратузилма объектлари бунёд этилиши натижасида ушбу маскан шаҳарча мақомини олди. Айниқса, янги уйларга уйғун тарзда қурилган намунавий лойиҳа асосидаги маҳалла гузари ҳудуд кўркига кўрк қўшди.

Айни пайтда гузардаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик, қандолатчилик цехлари, новвойхона, дорихона, банк ҳамда почта хизматидан аҳоли мамнун.

Гузардан маҳалла фаоллари ҳамда профилактика инспектори учун алоҳида хоналар, мажлислар зали ўрин олган. Барча хоналар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва ҳомийлар кўмагида компьютер жамланмалари, мебель жиҳозлари билан таъминланган. Шу туфайли фаолият самарадорлиги ортмоқда.

Ўзига хос мажмуа кўринишини олган йиғин гузарида аҳолига маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур имкониятлар муҳайё этилган. Жумладан, «Саодат» тўйхонаси аҳоли хизматида. Муҳими, гузарда маҳалланинг ёшлари учун янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, ҳудудда футбол ва волейбол майдончалари қурилиб, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан зарур жиҳозлар билан таъминланди. Замонавий кўринишга эга янги гузарда милиция таянч пунктининг фаолият кўрсатаётгани ҳам ҳудудда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қўл келмоқда.

МАРКАЗ КЎМАГИДА

# Бизнесга кўмак, кредитга кафолат тайин

**Бугун маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган Маслаҳат марказлари нафақат ҳудудда тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда, балки соғлом муҳит барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилаётир. Бунинг исботини пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Янги Себзор» маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилаётган ишлар мисолида кўриш мумкин.**



**Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»**

Марказ ҳудудда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш ҳамда ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес соҳасида иш бошлаган ҳамда бошлаш истагидаги фуқароларга тадбиркорликка оид ахборот берилмоқда. Яъни солиқ қонунчилигида белгиланган имтиёзлар, тижорат банкларининг имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиш тартиблари тушунтирилмоқда. Бундан ташқари, кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳамда банклардан кредит олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда уларга кўмаклашилмоқда.

Айни чоғда янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига бизнес-режалари ҳамда уставларини ишлаб чиқиш, кредит ва лизинг шартномалари тузиш, инфратузилма объектларига ҳужжат тайёрлаш ҳамда уларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишда зарур йўл-йўриқлар берилаётир. Тегишли ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектларининг кредит олишида белгиланган тартибда кафил ҳам бўлиняпти.

Рустам Соиповнинг маҳалладаги кўп қаватли уйлар ёнидан озиқ-овқат ва гўшт дўкони, тикувчилик корхонаси, гўзаллик салони ташкил қилиб, банкдан 32 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишида «Маслаҳат маркази»нинг кўмаги катта бўлди.

Марказ ёрдами билан «Аъло-омад-ривож» тикувчилик корхонаси 100 миллион сўм кредит маблағи эвазига фаолиятини кенгайтириб, 24 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлади. Шунингдек, «Озода — Муштарий бизнес» кичик корхонасига банкдан 8 миллион сўм имтиёзли кредит олишда кафил бўлингани йиғин мутасаддиларининг Марказ фаолиятини тўғри ташкил қилганидан далолат. Айни вақтда нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона муддатидан олдин қарзларини тўлаб бўлди. Энди корхона раҳбари тикувчилик цехини очиш ниятида. Агар бу режалар амалга ошса, яна қўшимча 5 та янги иш ўрни яратилади.

Айниқса, «Маслаҳат маркази» аъзоларининг туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан бирга фуқароларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга жойлашишига, ёшларнинг «Устоз-шогирд» йўналишида ҳунар ўрганишларига кўмаклашаётгани маҳаллада ишсизлар сони камайишида муҳим омил бўлаётир.

— Фаолиятимизда аҳоли, айниқса, аёллар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъсуда Муродбекова. — Фаоллар ҳамда тегишли мутасадди ташкилотлар вакиллари билан бирга вақтинча ишсиз аёллар рўйхати шакллантирилди. Бунда, асосан, нотинч оилаларга эътибор қаратилиб, улардаги носоғлом муҳит ҳам айнан ишсизлик туфайли келиб чиқаётгани аниқланди.

Мавлуда Мусаеванинг келинлари Дилфуза ва Шоҳиста билан келишмовчилиги «Маслаҳат маркази» кўмагида барҳам топди. Маслаҳатчи қайнонани йиғин идорасига бошлаб борганида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, шунингдек, ўз бизнесини кенгайтириш истагидаги фуқаролардан бир гуруҳига иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўргатиш, уларда белгиланган имтиёз ва преференциялар ҳақида маълумот бериш бўйича қисқа муддатли курс ташкил этилаётганди. Машғулотлардан сўнг маҳалла тадбиркори Рустам Соипов Дилфузани озиқ-овқат дўконига сотувчи қилиб ишга олишини маълум қилди. Кичик келин Шаҳноза тикувчилик корхонасига жойлаштирилди. Шу тариқа келинлар ишли бўлиб, бу оиладан жанжал ариди.

Бундай хайрли ишлар туфайли «Янги Себзор»да маҳалла обод, оилалар эса фаровон турмуш кечирмоқда.



МАСЛАҲАТ ҲАМ, МАДАД ҲАМ МАҲАЛЛАДАН

# Турмуш тарзи ширинликнинг таъмидек тотли

**Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги «Сармозор» маҳалласи уста ҳунармандлар юрти саналмиш Марғилонга туташ ҳудудда жойлашган. Маҳалланинг ишбилармонлари ҳудудда маълуму машҳур.**

**Расул КАМОЛ «Mahalla»**



Бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик ривожланган. Тадбиркорлар сонининг кўпаяётгани боис бугун маҳалла обод, аҳоли турмуши фаровон.

Собиржон Тошпўлатов оиласи аъзолари эл назарига тушган уста-ҳунармандлардан. Косиб дастлаб оила аъзолари билан фаолиятини бошлаган эди. Бугун унинг тадбиркорлиги йирик ишлаб чиқариш тармоғи доирасида кенгайди. Айни пайтда бу ерда 25 нафар ишчи катталар ва болалар учун бежирим оёқ кийимлари тайёрламоқда. Асосан маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва ҳамёнбоплиги билан харидоргир.

Яқинда фуқаролар йиғинининг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси С.Тошпўлатовнинг бизнесини кенгайтириш ниятини маъқуллаб, ҳудуддаги мавжуд бўш бинолар ва ерлардан мақсадли фойдаланиш, банк хизматлари кўрсатиш, маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга чиқариш каби йўналишларда унга кўмаклашиш бўйича йиғин кенгашига таклиф киритди. Комиссия ёрдамида тадбиркорнинг ҳудуддаги бўш турган эски бинода замонавий ишлаб чиқариш тармоғини ташкил этиш таклифи қўллаб-қувватланди. Тадбиркорга шу мақсадлар учун банкдан 50 миллион сўм кредит ажратилишига кўмак берилди. Янги ишлаб чиқариш тармоқларини замонавий андозалар асосида жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Саъй-ҳаракатлар поёнига етса, маҳалланинг 20 нафардан зиёд йигит-қизи кафолатли иш ўрнига эга бўлади.

Яна бир тадбиркор Солижон Идрисов эса қандолатчилик билан шуғулланади. Унинг Муҳиддин номли оилавий корхонаси ташкил этилганига унча кўп бўлгани йўқ, бироқ мижозлари кўп. Ўн тўрт нафар маҳалла ёши меҳнат қилаётган корхонада ўн турдан ортиқ мазали қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Рустамжон Йўлдошев оилавий корхонасида йиғилаётган мебель тўпламларининг ҳам бозори чаққон.

— Тарғибот тадбирларимизнинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўзида 17 та оилавий тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинди, — дейди фуқаролар йиғинининг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси раиси Алишер Азизов. — Ҳафтанинг ҳар сешанбаси «Тадбиркорлар куни» сифатида белгиланган. Унда ҳокимлик, солиқ, банк мутасаддилари, бандлик бўлими ходимлари, «Ҳунарманд», «Тадбиркор аёл» уюшмаси туман бўлимлари билан ҳамкорликда «Тадбиркорлик кафолатлари», «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Менинг бизнес ғоям», «Солиқдаги имтиёзлар», «Касаначи бўлиб кимлар ишлайди?», «Томорқачилик омиллари», «Бизнесга тавсиялар» каби мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари, бўлажак ишбилармонлар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкиллаштирилмоқда. Бу борада олиб борилган ишларимиз натижасида касб-ҳунар коллежларини битирган 178 нафар ўғил-қиз ишга жойлаштирилди.

Маҳаллада ҳунарманд, оқила онахонлар ҳам ёшларга касб-ҳунар ўргатишда «Устоз-шогирд» анъанасини давом эттирмоқда. 78 ёшини қаршилаган Фотима ая Тожибоева ана шундай кайвони онахонлардан. Ҳануз қўлида игна билан маржондек дўппи, қалампиргулли қийиқ, чопонлар тикиб, бу ноёб ҳунар сирларини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Бахтиёр Машрапов 18 сотих томорқаси орқасидан данғиллама уй-жой, замонавий машинали бўлди. Элга тўйлар бериб, фарзандларини рўзғорли қилди. Ҳозир у томорқасига иссиқхона қуриб, тадбиркорлик билан машғул.

Мухтасар айтганда, оилавий бизнесни янада ривожлантириш, маиший хизмат ва сервис соҳасини такомиллаштириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга берилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик эл фаровонлиги, юрт ободлигига омил бўлмоқда.

МАҲСУЛОТИ МАШҲУР МАҲАЛЛА

# Ҳосили мўл, харидори донасидек кўп

**Заминимиз тупроғи шундай унумдорки, йилнинг тўрт фаслида ҳам уруғ қадаб мўл ҳосил олиш имконияти бор. Меҳнаткаш боғбону деҳқонларимиз халқимиз дастурхонига мўл-кўл ноз-неъмат улашиш мақсадида турфа мева-сабзавотлар етиштиришда йил сайин тажриба орттириб, юқори натижаларга эришмоқда.**

**Нигина ШОЕВА «Mahalla»**



Сариосиё туманидаги Дашнобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Анорзор» маҳалласи миришкорлари серсув, шифобахш анор етиштиришнинг ҳадисини олишган. Ҳудуддаги ҳар иккита хонадоннинг бирида бундай меванинг «туятиш», «қизил», «кўк», «данаксиз» ҳамда «шаҳрисабз» сингари навлари парваришланмоқда. Оби-тобида пишиб етилган «Анорзор»нинг анорлари нафақат вилоятимизда, балки қўшни ҳудудларда ҳам харидоргир.

— Анорнинг даромади мўл, аммо меҳнати оғир, — дейди Раҳмон Мардонов. — Кўп эътибор талаб қилади. Меҳнатидан қочилмаса, кутилган ҳосилдан зиёдига эришиш мумкин. Томорқамизнинг 6 сотихида 70 тупга яқин анор кўчатларини парваришлаяпмиз. Улардан йилига 2,5-3 тонна ҳосил оламиз. Қолаверса, тажриба учун янги эккан ниҳолларимиз ҳам бўй чўзиб қолди. Маҳалламизда анор етиштирадиган хонадонлар кўп. Миришкорларнинг аксарияти ёш деҳқонлар, шу боис улардан маслаҳат ва кўмагимни аямайман.

Таркибида турли-туман витаминлар, бириктирувчи тўқималар ва микроэлементлар бўлган анор инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Шунинг учун ҳам бу шифобахш мева йилнинг тўрт фаслида харидоргир. Буни яхши билган миришкор йилдан-йилга анор кўчатларини кўпайтириш, ундан мўл ҳосил олиш устида меҳнат қилади. У анор новдаларидан узунлиги 20-30, йўғонлиги эса 0,5-2 сантиметрда қаламчаларни кесиб, уларни 8-10 сантиметрли чуқурликда тупроқда сақлайди. Чунки кўкламгача қаламчада майда, нозик илдизчалар пайдо бўлиб, кўчириб экилгач новдалар тезда тутиб кетади. Қолаверса, бу тажриба ниҳолнинг биринчи гуллашидаёқ ҳосилни ушлаб қолиши ва мевалари эрта пишиб етилишига замин ҳозирлайди. Шу боис Раҳмон Мардонов етиштирган анор қаламчаларига буюртмачилар бисёр. Деҳқоннинг ташаббуси билан анор кўчатлари етиштиришнинг бу усули ҳудуддаги деҳқонлар ўртасида оммалашмоқда.

Бугун Тоштемир Назаров, Шерқул Мелибоев, Шоди Бадалов, Фарҳод Мардонов, Турсунпўлат Турдиев ва Фахриддин Бобоев сингари миришкорлар деҳқончиликнинг мазкур тармоғини йўлга қўйиб, нафақат оиласи, балки ҳудуд иқтисодиётига ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

— Томорқамизда парваришланаётган «дашнобод» анорининг ҳар тупидан 35-40 килогача ҳосил оламиз, — дейди Фарҳод Мардонов. — Ўтган йили ҳам яхшигина даромад кўрдик: оиламиз бюджетига 3 миллиондан зиёд маблағ қўшилди. Кейинги йил анорзоримизни кенгайтириб, янги навлардан экишни режалаштиряпмиз.

«Ерни боқсанг, ер сени боқади» деган халқ ҳикматининг ҳақиқат экани анорзорликлар саъй-ҳаракатларида яна бир бор тасдиғини топаётир. Улар эришаётган натижалар кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# Касб-ҳунарли ёшлар корхона келажаги

**Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Хоразм вилоятининг Шовот туманида ҳам йирик ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилинмоқда. Бу эса ҳудуд иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланиб, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.**



**Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»**

Хусусан, тумандаги Чиғатой-қалъа қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Роят» маҳалласида фаолият юритаётган «Uztex shovot» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётир.

— Ип-калава тайёрлашга ихтисослашган корхонада айни пайтда 400 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда, — дейди жамиятнинг ишлаб чиқариш бўйича директори Элёр Душамов. — Уларнинг аксарияти ёшлардир. Туманимиздаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётларини ўташлари учун таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Ўтган йилги амалиёт давомида яхши кўрсаткичларга эришган тиришқоқ ёшлардан 35 нафари билан уч томонлама шартнома имзолаган бўлсак, бу йил битирувчиларнинг 40 нафарини ишга қабул қилдик. Қолаверса, маҳалла фаолларига ҳар ойда бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар бериб боряпмиз.

Бу ерда ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Улар махсус кийим-кечаклар, кунига уч маҳал бепул иссиқ овқат ҳамда транспорт воситаси билан таъминланган.

Йилига 6200 тонна пахта толасидан 5 минг тонна калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур корхона жаҳон бозорида тобора муносиб ўрин эгалламоқда. Жорий йилда экспорт салоҳияти ўтган йилга нисбатан 3,5-4 баробарга ошди. Қолаверса, корхона фаолиятини кенгайтириш ва экспорт ҳажмини янада юксалтириш мақсадида жамиятнинг янги биноси қуриб битказилмоқда. Йил охирида ишга тушириладиган ушбу филиалда яна 700 нафарга яқин киши ишли бўлади.

Бундан ташқари, корхонада келгуси йили сифатли ва ҳамёнбоп енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Бу эса нафақат қўшимча иш ўринлари яратилишига, балки маҳалланинг кўркам қиёфа касб этишига ҳам хизмат қилади.



АҲОЛИ БАНДЛИГИ

# Рўзғорига даромад уйидан узоқ эмас

**Косонсой туманининг сўлим қишлоқларидан бири — Чиндовул тобора чирой очиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда барпо этилаётган янгидан-янги маданий-маиший объектлар, спорт майдонлари, тадбиркорлик субъектлари ҳудуднинг ободлиги баробарида, аҳоли бандлигини ҳам таъминлаётир. Буни биргина «Равот» маҳалласи мисолида яққол кўриш мумкин.**

**Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»**



— Соғлом бола йилида фойдаланишга топширилган замонавий стадион маҳалламиз ёшларини беҳад хушнуд қилди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Урайим Раҳмонов. — Сунъий қопламали майдончада ўғил-қизларимиз бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Ҳозир тадбиркорлар кўмагида янги гузар қуриш ҳаракатидамиз. Йил охиригача савдо, маиший ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчаларидан иборат янги мажмуа иш бошлайди. Бу каби ўзгаришлар боис ўндан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилаётгани қувонарлидир.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битирган 52 нафар ёш маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракати билан доимий ишга жойлаштирилди. Бунда ҳудуддаги тадбиркорларнинг амалий кўмаги эътирофга лойиқ. Касаначилик асосида тикувчилик билан шуғулланаётган Ҳамида Собитованинг ўзи 5 нафар қизга «Устоз-шогирд» йўналишида ҳунар ўргатмоқда.

— Касаначиликнинг афзаллиги шундаки, киши ўз уйидан узоқлашмай рўзғорига даромад келтиради, — дейди Ҳ.Собитова. — Айни пайтда корхона билан шартнома тузиб, аскарлар учун кийим-бош тикяпмиз. Шогирдларим билан ойига 100 га яқин либосни буюртма асосида тайёрлаб беряпмиз. Даромад ҳам шунга яраша. Маҳалламизда мен сингари касаначиликка қўл ураётган қиз-жувонлар сони кўпаймоқда.

«Равот»да ҳунарли, чевар аёллар кўп. Уларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш маҳалла фаолларининг доимий эътиборида. Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хайринисо Холбоева ташаббуси билан қуроқчилик усулида кўрпа-ёстиқлар тикиш йўлга қўйилгани бунинг ёрқин далилидир. Ҳозир ўндан зиёд хотин-қизнинг қўл меҳнати орқали яратилаётган бундай маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда.

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ»

# Ўқувчининг бўш вақти йўқ, зарарли одати ҳам

**Юртимизда ёшларнинг соғлом, билимли ва касб-ҳунарли бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар яратилган. Таълим-тарбияни намунали йўлга қўйишда, айниқса, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётир.**



**Расул КАМОЛ «Mahalla»**

— Ҳудудимиздаги ҳуқуқшунослик касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактаби, мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишни йўлга қўйганмиз, — дейди Фарғона шаҳридаги 29-«Машъал» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳалимахон Усмонова. — Хусусан, «Бола тарбияси — келажак меваси», «Илм ол, ҳунар ўрган!», «Танлаган касбинг — сенинг келажагинг», «Қувноқлар ва зукколар», «Танишинг, янги адабиётлар» мавзуларида ўтказиб келинаётган учрашув ва давра суҳбатлари ўқувчиларни турли тўгаракларга жалб этиш, таълим-тарбия самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, кам таъминланган, эҳтиёжманд оила фарзандларини бепул дарслик, кийим-бош билан таъминлашда ҳам бу ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида йиғин ҳудудида Ўзбекистон велоспорт федерацияси вилоят бўлими кўмагида велоспорт ҳамда шахмат-шашка тўгараклари ташкил этилган.

Ҳудуддаги 9-синфни битирган 201 нафар ўқувчини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, касб-ҳунар коллежларини битирган 18 нафар ёшни иш билан таъминлашда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги қўл келаётир. Жумладан, Фарғона шаҳридаги 2-тиббиёт касб-ҳунар коллежини битирган Анора Содиқова шаҳар туғруқхонасига, Марта Рязанова эса 2-оилавий поликлиникага уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштирилди. Ҳамкорликнинг узвийлиги туфайли кейинги йилларда маҳалла ҳудудида майда безорилик, ёшлар ўртасида жиноятчилик, четга иш излаб чиқиб кетиш ҳолатлари кузатилмади.

— Мактабимизда маҳалла раиси, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, фаол ота-оналар, тажрибали педагоглардан иборат кенгаш тузилган, — дейди 10-умумтаълим мактаби директори Шоира Иброҳимова. — Улар кўмагида кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, турли байрам кечаларини уюштириш анъанага айланган. «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси томонидан юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган диний экстремизм, ақидапарастлик, гиёҳвандлик ва одам савдосининг олдини олиш мавзуларидаги тадбирлар ўз самарасини бераётир. Шу билан бирга, баскетбол, футбол, волейбол, стол тенниси, «Ёш ҳаваскорлар», «Ўзбегим қизлари» рақс тўгараклари ёшларнинг иқтидорини юзага чиқаришда асқотмоқда.

Тарбиянинг таъсирчан бўғини ҳисобланган уч томонлама ҳамкорлик ўқувчилар давоматини яхшилаш, нотинч оилаларда тарбияланаётган болаларга ижтимоий кўмаклашиш, таълим масканларидаги тўгараклар фаолиятини назорат қилишда муҳим омил бўлаётир.

ТИББИЙ ХИЗМАТ

# «Саломатлик» сафарининг йўли ёруғ, манзили ойдин

**«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида юртимизнинг экологик ноқулай ва бориш қийин бўлган энг чекка ҳудудлари аҳолисининг тиббий-ижтимоий ҳимояга олинаётгани алоҳида аҳамиятга эга.**




**Шерзод ҚУРБОНОВ.**

Айниқса, «Саломатлик» поездларининг «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳамда бевосита «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларига сафари уюштирилаётгани эътирофга лойиқ.

Ана шундай поездлар сафари апрель ойида Навоий вилоятига «Тошкент — Тинчлик — Конимех — Қара-қата — Мустақиллик — Бузоубой — Учқудуқ-II — Тошкент», шунингдек, май ойида юртимизнинг жанубий ҳудудларига «Тошкент — Сариосиё — Қумқўрғон — Бойсун — Оқработ — Деҳқонобод — Тошкент» йўналиши бўйича бўлган эди.

Поезд вагонлари замонавий тиббий дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, УТТ аппаратлари билан жиҳозланган. Унга барча йўналишдаги олий тоифали малакали шифокорлар жалб этилган. Қолаверса, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига, ҳомиладор аёллар ҳамда жисмоний имконияти чекланганларга бепул тарқатиш учун мўлжалланган витаминга бой озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармонлар, махсус аравача ва бошқа ортопедик воситалардан иборат беминнат инсонпарварлик юклари «Саломатлик» поездларида республикамизнинг энг чекка ҳудудларидаги станцияларгача етказилди.

Тиббий-ижтимоий патронаж биригадаси автоамбуланс ёрдам машиналарида станциялардан олисда жойлашган масканларгача бориб, аҳолини тиббий текширувлардан ўтказди.

Навбатдаги «Саломатлик» поезди жорий йилнинг 24-30 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. Малакали шифокорлар жалб этилган махсус бригада автоамбуланс машиналарда темир йўл станциялари яқинида жойлашган ҳудудлардан ташқари, Мурувват, Меҳрибонлик, Саховат уйлари ва қатор шифохоналар, туғуруқхона ҳамда кўзи ожиз, ақли заиф ва кар-соқов болалар мактаб-интернатларига бориб, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиб қайтишди. Ушбу хайрия сафари давомида даволаш ва профилактика муассасаларига 34,7 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда умумий қиймати 465250 АҚШ долларига тенг дори-дармон, тиббиёт анжомлари ва санитария-гигиена воситалари тарқатилди.

— «Саломатлик» поездлари — аҳолининг тиббий-ижтимоий жиҳатдан кенг кўламда қамраб олинишига кўмаклашадиган хайрия ёрдамидир, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси ўринбосари Нозимжон Мўминов. — Албатта, катта маблағни талаб этадиган бундай хайрия тадбирларини ташкил этиш ўз-ўзидан бўлмайди. Муҳтарам Президентимиз томонидан оналар ва болалар соғлиғини, аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлашга қаратилган эътибор туфайли кўзланган натижага эришяпмиз. Юртимизда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида 6 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамияти институтлари фаолият юритмоқда. Улар ичида биз билан елкама-елка ишлаб, фаолиятимизни қўллаб-қувватлаб келаётган жамоат ташкилотларидан бири «Маҳалла» хайрия жамоат фондидир. Хусусан, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишимизда, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлардан хабар олишимизда жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг жонкуяр вакиллари амалий ёрдам кўрсатмоқда. Улар ортопедик воситаларни, дори-дармонларни ўз эгаларига етказишимизда, шунингдек, тиббий-маърифий тадбирлар ўтказишимизда кўмак бериб келаётир.

Дарҳақиқат, бугун ёш авлод маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етяпти. Аҳолимизнинг онгу тафаккури, тиббий билими ва интеллектуал салоҳияти тобора юксалмоқда. Бунда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари ҳамкорлигида фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмаларининг хизмати катта.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# Иқтидорга имкони, маҳоратга мактаби бор

**Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни турли тўгарак ҳамда спорт машғулотларига йўналтириш борасида Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида аниқ режа асосида тизимли тадбирлар ўтказилаётир.**

**Илҳом РАҲМАТОВ «Mahalla»**

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида туман марказидан анча олисда, қўшни республика билан чегарадош ҳудудда жойлашган Нанай қишлоғидаги ўзгаришлар фикримизга далил бўла олади. Бу ерда қишлоқ инфратузилмасини тубдан яхшилаш, маҳаллаларда спорт майдонлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиш, маданият муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш орқали ўғил-қизларнинг мактабдан ташқари вақтлари фойдали машғулотларга йўналтирилмоқда. Жумладан, қишлоқ марказида замонавий лойиҳа асосида янги спорт мактаби биноси қад ростлади. «Дўстлик» маҳалласидаги яроқсиз ҳолга келиб қолган спорт ўйингоҳини мукаммал таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди.

Илгари хусусийлаштирилиб, ҳозирда бўш турган бинолар ҳам қайта хатловдан ўтказилди. Улардан унумли ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Хусусан, «Тоғ гўзали» ҳамда «Нанай» масъулияти чекланган жамиятлари негизида касаначилик асосида янги тикувчилик цехлари, «Кўкёр» маҳалласидаги фойдаланилмаётган маиший хизмат уйи биносида «Баркамол авлод» болалар маркази ташкил этилмоқда.

— Фуқаролар йиғинлари кўмагида маданият ва спорт ишлари тизимидаги муассасалар фаолияти яхшиланмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Янгиқўрғон тумани бўлинмаси раиси Муқаддам Муродова. — Йиғинлар қошида 26 та тўгарак ва 5 та бадиий жамоа тузилди. Биргина Нанай маданият ва аҳоли дам олиш марказида рақс, рубоб, ашула, фортепьяно тўгараклари иш бошлади ва уларга 200 нафардан зиёд ўқувчи жалб этилди.

Туманда «Биз обод юрт фарзандларимиз» шиори остида уюштирилган ёшлар фестивалида 60 та маҳалланинг тўққиз минг нафардан зиёд ўғил-қизи иштирок этиб, ўз иқтидор ва маҳоратларини намойиш этишди.



ҚУЛАЙЛИК

# Зарбандда янги ҚВП

**Зарбанд — Иштихон туманининг тоғли ҳудудида жойлашган узоқ қишлоқларидан. Шу боис аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишда анчагина муаммолар туғиларди. Эски бинодаги қишлоқ врачлик пункти давр талабларига жавоб бермас, бу ҳол иш суръатига ҳам салбий таъсир кўрсатарди.**

**Убайдулла ТУРДИЕВ, Самарқанд вилояти Иштихон тумани «Зарбанд» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли.**

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига биноан қишлоқ ҳудудидаги «Зарбанд» маҳалласида янги ва замонавий қишлоқ врачлик пункти биноси қад ростлаётир. Абдуҳолиқ Умиров бошчилигидаги «Зоир Мансур» кичик корхонаси томонидан амалга оширилаётган қурилиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Янги муассаса биноси маҳалла қиёфасига файз бағишлаши тайин.

Тиббиёт маскани ишга тушса, йиғин аҳолисига, қолаверса, қўшни «Бешбола», «Бойтуби» маҳаллалари фуқароларига қўшимча қулайликлар туғилади.

БОЛАЖОН ТАДБИРКОР

# Ҳунаридан ҳурмат топган ҳунарманд

**Қўлигул ҳунарманд аёлларимиз бугунги кунда миллий қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш билан бирга, хорижий мамлакатларга ҳунармандчилигимиз анъаналарини муносиб тарғиб этмоқда.**

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»**

Анжим Есемуратова ҳунари туфайли эл назарига тушган, маҳалласида каттаю кичикнинг ҳурматини, меҳрини қозонган аёллардан. У Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 12-сонли маҳаллада истиқомат қилади.

— Болалигимдан миллий либослар тикишга, айниқса, қўғирчоқ ясашга жуда қизиққанман, — дейди А.Есемуратова. — Биринчи устозим, бувим Ажаргул Холниязова шу ҳунар билан шуғулланиб, рўзғорини тебратган. Ҳунар сирларини дастлаб бувимдан ўрганганман. Матодан миллий қўғирчоқлар, уй буюмларини ясаш, замонавий пардалар тикиш, гилам тўқиш бўйича тажриба орттиришимда «Райҳон-элита» хусусий корхонаси раҳбари, нукуслик Наргул Нағметованинг хизмати катта. Фаолиятимни кенгайтиришда туман ҳокимлиги, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари яқиндан ёрдам бераётир.

Қўғирчоқ ясаш, буюмлар тўқиш сир-синоатларга бой, машаққатли, сабр-бардошни талаб қиладиган юмуш. Бу иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Унга астойдил меҳр қўйган Анжим эса ўз касбининг моҳир устаси. У «тадбиркор аёл» деган номни олишида фуқаролар йиғини қошидаги «Маслаҳат маркази»нинг ҳиссаси бор. Ўз бизнес режаси билан фаолларга мурожаат қилганида уни қўллаб-қувватлашди. Банкдан имтиёзли кредит олишида кўмаклашилди.

— Анжим Есемуратова тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, 5 нафар ёшни ишли қилди, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулимхон Сойипова. — Унинг ўнлаб шогирдлари шу маҳалланинг қизлари. Аксарияти мактаб ва коллеж ўқувчилари. Тадбиркорнинг ҳудуддаги фарзанд тарбияси билан машғул, вақтинча ишсиз аёлларни ҳунар ўрганишга ундаши таҳсинга лойиқ. Маҳаллага мурожаат қилиб, кам таъминланган оилалар қизларига ҳунарни бепул ўргатиш ташаббуси билан чиққани эса ҳар жиҳатдан эътиборга молик.



Тадбиркор, вақти тиғизлигига қарамай, имконияти чекланганларга ҳам касб сирларини ўргатишга астойдил киришган. У шогирдлари ясаган буюмлардан кўргазма ташкил этиш, шунингдек, ҳунармандчилик намуналарини хорижий мамлакатларда намойиш қилишни дилига тугиб, изчил изланмоқда.

А.Есемуратова шогирдлари ишидан миннатдор. Ундан ҳунар ўрганган 20 нафарга яқин маҳалла аёли бугун мустақил фаолият юритмоқда. Улардан бири Гулбону Жонибекова кўплаб кўргазма ва танловларда диплом ва сертификатлар билан тақдирланган бўлса, коллеж ўқувчиси Улмекен Жақсилиқова моҳир тўқувчи сифатида танилди.

Ҳунарманд ясаган миллий қўғирчоқлар, турли нақшлар туширилган либослар, рўзғор буюмлари ҳамда гиламлар харидоргир. Айниқса, қўл меҳнати намуналарига чет эллик меҳмонларнинг қизиқиши ортган. Уларни буюмлардаги табиий ранг ва миллий руҳдаги безаклар ҳайратга солади.

Бундан ташқари, Анжим тайёрлаган маҳсулотлар республикамиз ва қўшни давлатларда ташкил этилаётган кўргазмаларда юқори баҳоланмоқда. Хусусан, у Республика ҳунармандлар уюшмаси томонидан ўтказилган «Миллий қўғирчоқлар маънавиятимиз кўринишидир» мавзусидаги кўргазмада иштирок этиб, махсус сертификат билан тақдирланди. Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтган кўргазмада миллий қўғирчоқлари билан қатнашиб, кўплаб буюртмалар олди.

— Қўғирчоқ ясаш асабни мустаҳкамлаб, кишига маданий ҳордиқ берса-да, диққатталаб, масъулиятли юмуш, — дейди ҳунарманд. — Бу жараёнда ўғил ва қиз болаларнинг психологиясини, қизиқишларини яхши билиш талаб этилади. Айни пайтда мактабгача таълим муассасаларига юмшоқ ўйинчоқлар, мактаб ўқувчиларига сабоқ беришда қўлланадиган кўргазмали воситалар тайёрлашга буюртмалар олганмиз.

Дарвоқе, серқирра ижодкор Қорақалпоғистон телевидениеси «Моҳир қўллар мактаби» тонги дастурининг бошловчиси ҳамдир. Бу унинг ҳунар сирларини телевидение орқали барча иштиёқмандларга ўргатишида қўл келмоқда.

ОИЛА ТИЛСИМИ

# Сабр ва содиқлик саодат калитидир

**Муҳаббат, вафо ва садоқат — буюк инсоний фазилатлардан. Маҳалламиздаги бир кекса онахонни мен айнан вафо тимсоли, дегим келади. Барча ҳурмат қилиб, дуосини олмоққа, мушкул вазиятларда маслаҳат сўрашга ошиқадиган бу нуронийнинг энг кўп айтадиган ибораси: «Сабр, болам, сабр қилинг. Сабрнинг таги олтин», деган тасаллиси аслида унинг ҳаётий аъмоли.**

**Анвар ТОЖИЕВ.**

Онахон навқирон 21 ёшида турмуш ўртоғини урушга жўнатиб, икки гўдаги, кексайган қайнота ва қайнонаси билан қолган. Жанггоҳга кетаётиб умр йўлдоши кутишни, тезда қайтишини айтиб, ота-онасию дилбандларини унга ишониб топширган. Афсуски, бир неча ойдан сўнг йигитдан «қора хат» келиб, келинчакнинг дарду дунёси қоронғу бўлган. Аёлнинг иродасини қарангки, қанчалик ўзига оғир бўлмасин, машъум хатни на қайнона, на қайнотага кўрсатмаган.

Ёлғиз фарзандининг урушдан соғ-саломат қайтишидан умидвор чолу кампир шум хабардан қай аҳволга тушишини ўйлаб, уларнинг азобланишига йўл қўймаган. Ойлар, йиллар ўтса-да, муштипарлар бир-бирини аяб, асраб, меҳр-оқибатни канда қилмай яшашган. Набиралар оилали, бола-чақали бўлишган. Қайнотаю қайнона бу ёруғ оламдан ўтиб кетишди. Аммо умид чироғи, меҳр туйғуси бу оилани тарк этмади. Болалар ота дийдоридан бенасиб ўсишса-да, она меҳридан, бобою буви муҳаббатидан баҳраманд бўлиб улғайишди.

Эрига бир умр содиқ қолган аёл неваралари қалбида қаҳрамон бобо сиймосини яратиб, Ватанга муносиб бўлишдек фазилатларни шакллантирган. Ҳатто болалардан бирортаси ножўя иш қилиб қўйса, «Бобонг келсалар айтиб бераман. Кейин сендан хафа бўладилар. Кел, шу ишни қилма», дея уларнинг қалби ва онгида бобосига ҳурмат уйғота олган.

Умрини ҳалол меҳнатга, болалар тарбиясига бағишлаган, оиласини барча орзу-ҳаваслардан устун қўя олган бу аёлнинг ҳурмати нечоғли баланд экани шубҳасиздир.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# Маънавияти юксак инсон ҳеч кимга қарам бўлмайди

## ёхуд миссионерлик хатари хусусида

**Одатда лақманинг бошини тарозининг палласига қиёслашади. Чунки лақма одам ким нима деса ишонаверади, у ўз фикрига эга эмас. Бундай кимса — ғаразгўй душманнинг тайёр ўлжаси. Лоқайд одамга дўстнинг ҳам, душманнинг ҳам фарқи йўқ.**

**Иброҳим НОРМАТОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, сиёсий шарҳловчи.**

Бугунгидек ўта мураккаб ва таҳликали даврда лақмалик ҳам, лоқайдлик ҳам жамиятга, тинч-осуда ҳаётга, хавфсизликка зиён етказади. Ақл бўйи билан эмас, ўй билан ўлчанганидек, ҳар бир инсон ҳаётни ақл билан идрок қилиб, ҳушёр бўлган тақдирдагина тинчликнинг қадрига етади.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги Кечирмас ота зиёратгоҳида ўттиз ёшни қоралаган сурхондарёлик бир норғул йигит билан танишиб қолдим. Ёнидаги аравачада бир оёғи ишламайдиган қирқ ёшлардаги ногирон одам ўтирибди.

— Акам Россияга ишлагани бориб, шу аҳволга тушди, — деди йигит кўзига ёш олиб.

Унинг акаси 2012 йилда Екатеринбург шаҳрига ишлагани кетган. Шундан кейин ундан бир марта «иш топдим» деган хат келган, холос, бошқа хат-хабар бўлмаган. Уканинг Екатеринбургга бориб уни излаши натижа бермаган. Оқибатда ғамга ботган ота оғир дардга йўлиққан.

— Ҳамма ишингни йиғиштир, акангни излаб топ, мен уни тириклигимда бир кўриб қолай, — дейди ота кенжа ўғлига.

Кенжа ўғил бир неча ой мобайнида акасини ҳеч қаердан топа олмагач, Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонасига боради. Элчихона ходимлари ёрдам беришга астойдил киришади. Бироқ ота шу орада катта ўғлини кўролмай, армонда вафот этади. Шу йил элчихона ёрдамида «йўқолган ака» топилди. Бироқ унинг бир оёғи ишламас, қулоғи яхши эшитмас, тили дудуқ эди.

Йигит кўзлари ёшланиб, акаси икки йилда қандай аҳволга тушганини гапириб берди. Иш топиб берганлар унинг паспортини олиб қўйишибди. Иш ҳақисиз, фақат овқат бериш билан чегараланиб, уни ҳеч қаерга чиқармасдан қул ҳолатига тушириб қўйишибди. Бу ҳам етмаганидек, энди ўз динингни унут, деб мажбуран черковга олиб бориб, Инжилни ўқитишибди. Агар ўқимаса, овқат беришмабди. Руҳий азобдан аканинг қулоғи оғирлашиб, яхши гапиролмай қолган, боз устига зах ерда ётганидан оёғи шол бўлибди.

Суҳбатдошим акасини излаб, кўп шаҳарларда бўлганини, у жойларда ҳам ўзбек йигитлари мажбуран черковларга олиб борилаётганини, уларга Инжил ўқитилаётганини, бўйсунмаётганларга иш ҳақи берилмаётганини ёки бошқа чоралар ҳам кўрилаётганини айтиб берди.

Албатта, бунга кимдир ишониб, кимдир ишонмаслиги мумкин. Бироқ ўзбек йигитларини йўлдан оздириб, улар ўртасида ўзаро низо туғдириб, давлатимизнинг, жамиятимизнинг, халқимизнинг бирлигига ҳамда тотувлигига раҳна солишни кўзлаганлар ўзларининг бундай хатти-ҳаракатларини очиқ-ойдин амалга ошираётганлари бор гап. Миссионерлик ҳаракатига ҳатто оммавий ахборот воситаларини ҳам жалб қилмоқдалар. Улар Интернет сайтларидаги ғайрли чиқишлари билан чегараланиб қолаётгани йўқ.

Мана, аниқ бир мисол. 2014 йил 25 июнь куни соат 14 дан 20 дақиқа ўтганда «Мир» телеканалида Россияда ишлаётган ўзбек йигитларига Инжилни ўқитишга бағишланган бир кўрсатув намойиш этилди. Уни диққат билан кўрдим. Кўрсатувга рус-православ черковининг вакили, маданият ходими, олим, мусулмонларнинг дин арбоби, кавказлик бир домла-имом таклиф этилибди.

— Биз жуда муҳим ва ўта нозик масалани ўртага ташлаяпмиз, — деди бошловчи ва маданият ходимига сўз берди.

— Россияга ишлаш учун келаётган ўзбек йигитлари ўта маданиятсиз, улар тилимизни, урф-одатларимизни яхши билишмайди, тарихимиздан, турмуш тарзимиздан, энг асосийси, миллий маданиятимиздан бехабарлар. Шу боис уларни тарбияламасак бўлмайди, — деди «маданиятли» хонимча.

Шу пайт кавказлик домла луқма ташлади:

— Нима, уларга метрода ўпишишни ўргатасизларми?!

— Тарбиялашнинг энг яхши йўли шуки, — гапни илиб кетди черков вакили, — уларнинг ҳар бирига Инжилни ўргатишимиз зарур. Негадир Москвадаги черковларда ўзбек йигитларини кўрмаяпмиз?!

— Черковларга рус йигитлари бормаяптию, у ерда ўзбек йигитлари нима қилади? — деди кавказлик имом ва сўзида давом этди: — Черковларда кампир-чолларингиздан бошқа ҳеч ким йўқ-ку, нима қиласизлар ўзбек йигитларини йўлдан оздириб, ўз динларидан адаштириб?!

Вазиятни кузатиб турган, зиммасига мунофиқона ҳакамлик вазифаси юкланган «олим» тилга кириб деди:

— Черковга боришнинг нимаси ёмон?! Мана, Самарқанд яқинидаги ҳазрат Дониёр зиёратгоҳига мусулмонлар билан бирга христианлар ҳам боряпти-ку. Менинг уйимда Қуръон бор, ҳар бир ўзбекнинг уйида ҳам Инжил бўлгани яхши эмасми?..

— Менинг уйимда ҳам Қуръоннинг таржимаси бор, шунинг учун Россияда ишлаётган ҳар бир ўзбек йигитига Инжилни ўқитишимиз шарт, — деди черков вакили.

Кавказлик домла қатъий қилиб шундай деди:

— Бу миссионерликдан бошқа нарса эмас. Сизлар кўзлаган мақсадни тушундим. Россияда ишлаётган ўзбек йигитларини йўлдан оздириб, уларни Ўзбекистондаги ўз диндошларига, миллатдошларига қарши қўймоқчисизлар. Бу яхши эмас.

— Йўқ, биз мусулмонлар, христианлар ва яҳудийлар битта кемада сузишларини хоҳлаймиз, — деди бошловчи кўрсатувга мунофиқларча сирли якун ясаб.

Жиддий савол туғилади: Марказий Осиёдан ва бошқа минтақалардан Россияга бориб ишлаётганлар орасида ўзбеклардан ташқари қозоқ, қирғиз, тожик, озарбойжон ва бошқа миллатлар вакиллари ҳам бор-ку, кўрсатувда нега фақат ўзбек йигитлари тилга олинди?!

Интернет хабарларига кўра, Россияга ишлаш учун борган ўзбек йигитларига ёппасига Инжил тарқатила бошланибди. Хўш, бундан қандай ғаразли мақсадлар кўзланган?! Ахир, миссионерлик жиноят-ку! Ёки маданиятни маданиятсиздан ўрган деганларидек, муқаддас динимизга, миллий ва маънавий қадриятларимизга хиёнат қилиш билан «маданиятли» бўлиб қоламизми?!

Афтидан, Ўзбекистондаги тинчлик-барқарорлик, диний ва миллий бағрикенглик, миллатлараро ҳамда динлараро тотувлик, бунёдкорлик ва тараққиёт, қолаверса, давлатимиз юритаётган мустақил ташқи сиёсат кимларгадир ёқмаётган кўринади. Бундай пайтда ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа ҳушёрликни унутишга ҳаққимиз йўқ.

Сўзсиз, хориж оммавий ахборот воситаларида дилни хуфтон қиладиган ҳолатлар кўп. Агар жиноятчи мусулмон бўлса, унинг ўзига эмас, динига эътибор берилади ва кунига юз марталаб, минг марталаб «исломчи» сўзини такрорлашади. Агар жиноятчи яҳудий, насроний ёки будпараст бўлса, фақат унинг қилган жинояти тилга олинади, қайси динга мансублиги умуман айтилмайди.

Бугун суннийлар билан шиалар ўртасидаги келишмовчилик жаҳон оммавий ахборот воситаларида бош мавзу бўлиб қолди. Бироқ католиклар, протестантлар ва православлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар умуман тилга олинмайди. Ёки бир неча йилдан бери Таиландда бўлаётган тўс-тўполонларда ҳали бирор марта «бутпарастлар» деган сўзни эшитганимиз йўқ. Борди-ю, бирорта сунний бошқа бирорта шиа билан саломлашмай қўйса ҳам шов-шув қилинади.

Эътибор беринг, Озарбайжонда шиалар билан суннийлар бир масжидда намоз ўқиб, диний тадбирларни бирга ўтказишади. Мусулмонларнинг бу ибратли ҳаётлари на жаҳоннинг, на Россиянинг оммавий ахборот воситаларида ёритилганини эслай олмаймиз. Жанжал чиқмайдиган ёки қон тўкилмайдиган жойнинг улар учун қизиғи бўлмаса керак-да!..

Номи асл мақсадини инкор этадиган «Мир» телеканалидаги ўша кўрсатув «маданиятсиз» ўзбекларнинг эътиқодларини синаб кўрмоқчи бўлган, шекилли. Агар «ов»лари ўнгидан келса, нафақат мусулмонни мусулмонга қарши қўйиш, балки фарзандни ота-онага ва қариндош-уруғга қарши қўйишнинг уддасидан чиқиш мақсад қилинган. Бу эса хамирдан қил суғургандай осон кечади. Битта «сигнал» берилса, тамом-вассалом, дини ва Ватани тайинсиз йигитлар ота-она, оила тугул, ўзлари туғилиб ўсган юртни ҳам алғов-далғов қилишлари мумкин.

Аслида бу фитнанинг режа — дастури ишлаб чиқилган кўринади. Бундай дейишимизга сабаб шуки, кўрсатувда черков вакили буйруқ оҳангида қатъий қилиб шундай деди: «Агар ўзбек йигитлари куни билан бетон қуйиб ишдан чарчаб келишган бўлса, Инжилни яшаб турган жойларида ўқишсин, лекин якшанба кунлари черковга боришлари шарт!».

Ишонинглар, азиз юртдошлар, ҳатто ўзимизнинг Ўзбекистонда ҳам бирорта ота-она ўз фарзандига: «Жума куни масжидга боришинг шарт», демайди. Чунки диний эътиқод мажбурийликка эмас, балки эркинликка асосланади. Россияга ишлаш учун бориб келаётганларнинг гапларига қараганда, у ерда ўзбек йигитларини чўқинтиришнинг моддий ва маънавий имкониятларидан ҳам, кўндириш ва мажбурлаш усулларидан ҳам фойдаланиш оммавий тус ола бошлаган.

Айтгандай, сўзимизнинг охирида бизни чўқинтирмоқчи бўлаётганларга ўзимизнинг кимлигимизни, қандай миллат эканимизни, диний эътиқодимиз қай даражада мустаҳкамлигини, эътиқодда ва маънавиятда қандай улуғ зотларнинг меросхўрлари эканимизни эслатиб қўймоқчимиз. Ҳеч қачон эсдан чиқарманг, Юртбошимиз Ислом Каримов «Независимая газета»нинг 2005 йил 14 январь сонида босилган интервьюсида ўзининг эътиқодини эслатиб: «Мен мусулмонман ва ҳеч қачон ота-боболаримнинг муқаддас динидан юз ўгирган эмасман», деган эди. Биз ҳам худди шундай деймиз, бутун халқимиз шундай дейди. Аттанг, жуда қалтис ишга қўл урибсизлар, жаноб миссионерлар!

Мен журналист сифатида зиммамдаги масъулиятдан келиб чиқиб, юқорида баён қилинган воқеа-ҳодисани қалбимдан, юрагимдан ўтказиб, унинг туб моҳиятини англаш ва идрок этишлари учун юртдошларим эътиборига баён қилдим. Мустақил фикрлайдиган ва ўз дунёқарашига эга ҳар бир инсон бўлиб турган бундай воқеаларга нисбатан бефарқ қарамаслигига ишонаман.

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

# Ташаббус янги марраларга ундайди

**Автоҳалокатдан жабрланган Лоланинг касалхона харажатларини тўлашда ҳаётининг суғурта қилингани асқотди. Маҳалла фаоллари Хосият бувига невараси учун суғурта таъминоти тўлаб берилишига кўмаклашди.**

**Холбиби САФАРОВА «Mahalla»**



— Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги тобора ошмоқда, — дейди Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Жалойир» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бобоқул Суяров. — Буни биргина жорий йилнинг ўтган ойларида идорамизга йўлланган 72 та ёзма, юздан зиёд оғзаки мурожаат ҳам тасдиқлайди. Бироқ ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайдиганлар ҳам учраб турибди. Демак, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасидаги ишларимизда ҳали камчиликлар бор.

Хосият буви ҳам етарлича ҳуқуқий билимга эга эмаслиги боис йиғин идорасига кўмак сўраб келганида фаоллар унга суғурта ҳақида маълумот беришди, мактаб ўқувчиларининг ҳаёти суғурта қилинганини айтишди.

Фуқаролар йиғинида, одатда, ҳафтанинг сешанба кунлари фуқаролар мурожаати ва бошқа муаммолар муҳокама қилинади. Аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, манфаатдор ташкилотлар билан бирга «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Инсон манфаатлари — олий қадрият», «Конституция — фаровон ҳаёт кафолати» каби мавзуларда давра суҳбатлари, семинарлар уюштирилмоқда.

— Илгари маҳаллада тадбир ўтказмоқчи бўлсак, саноқлигина одам йиғиларди, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳра Ҳасанова. — Ҳозир эса, аксинча, бирор сабаб билан тадбирда қатнашолмаганлар кейинчалик маҳаллага келиб, унда қандай масалалар муҳокама қилингани билан қизиқишяпти. Тадбирларда мутахассислар иштирок этиб, фуқароларни қизиқтирган саволларга жавоб бераётгани, муаммолар жойида ҳал этилаётгани мамлакатимиздаги демократик ислоҳотлар мазмун-моҳиятига ҳамоҳангдир. Жумладан, навбатдаги тадбиримизда туман ҳокимлиги ходими, ҳуқуқшунос ҳамда туман давлат нотариал идораси нотариуси иштирок этишди. Учрашувда маҳалладошимизнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ саволи муҳокама қилиниб, муаммоси ечим топди.

Эътиборлиси, жорий йилда ҳудудда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилмади. Бу йиғин фаолларининг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ижтимоий-сиёсий вазиятни ўрганиш, қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида самарали иш олиб бораётганига далилдир.

Тумандаги «Галабек» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллада ташкил этилган «Ҳуқуқий маслаҳатхона» муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам бераётган бўлса, ҳафтанинг шанба кунларида ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирларда одам савдоси, гиёҳвандлик, диний экстремизм иллатларининг салбий оқибатлари, солиқ ва коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашнинг аҳамияти, истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисида батафсил маълумот берилмоқда.

— Галабекликлар ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши боис улардан унумли фойдаланади, — дейди йиғин раиси Равшан Пардаев. — Бироқ баъзилар ҳуқуқ билан бирга зиммасида масъулият, бурч ҳам борлигини унутиб қўйишади. Ҳуқуқий тарғибот тадбирларимизда ана шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Тарғибот ишларида қизининг касб-ҳунар коллежида ўқишига қаршилик кўрсатадиган, уни тезроқ узатиш пайида бўлган, мажбурий таълим ёшидаги ўғлини чет элга ишлагани жўнатишни режалаштираётган ҳуқуқий билими саёз ота-оналар билан ҳам иш олиб борилмоқда.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ҲИМОЯДА

# Тарбия — жамоатчилик зиммасидаги улкан масъулият

**Ёшлар Ватанимиз келажаги, тараққиётимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Шу нуқтаи назардан, мустақиллик йилларида баркамол авлод тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бунинг самараси ўлароқ ўсиб келаётган ёш авлод таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, илм-фан, спорт, санъат, тадбиркорлик каби кўплаб йўналишларда ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришда беқиёс имкониятларга эга бўлаётир.**



**Жаҳонгир ТУРҒУНОВ, Мирзачўл тумани ИИБ ҲООБ Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори, капитан.**

Бундай шарт-шароитлардан оқилона, унумли фойдаланиш нафақат ёшлар, балки ота-оналар, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик зиммасига улкан масъулият юклайди. Чунки ўсмирлар табиатан қизиқувчан, изланувчан бўлади. Шу боис уларнинг яшаш шароити, таълим-тарбия олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши билан боғлиқ имкониятлар алоҳида эътиборни талаб қилади.

Бўлимимиз томонидан мазкур масалага доир чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни бу ишларда ҳуқуқий асосдир.

Туманимизда 18 минг 700 нафардан зиёд ўғил-қиз вояга етмоқда. Уларни спорт, касб-ҳунар тўгаракларига жалб қилиш, турли ёт ғоялар, номақбул одатлар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш бўйича таълим муассасалари мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, тиббиёт ходимлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ёшлар иштирокида «Огоҳликка даъват», «Гиёҳвандлик — умр заволи», «Ёш умрингни хазон қилма» каби мавзуларда тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари ўтказиб келяпмиз. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 114 марта ана шундай учрашув ташкиллаштирилди. Тадбирларда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик сингари инсонни ҳам руҳан, ҳам жисмонан маҳв этувчи иллатлар, турли диний оқимларнинг салбий таъсирлари ҳақида ёшларга тушунчалар берилиб, айни мавзудаги видеофильмлар намойиш этилмоқда.

Тадбирлар натижасида профилактик ҳисобда турган 21 нафар ўсмирнинг хулқи ижобий томонга ўзгариб, улар назоратдан чиқарилди. Икки нафари ҳудудда ташкил этилган спорт тўгаралари машғулотларига қатнаб, республика ва Осиёда ўтказилаётган спорт мусобақаларида юнон-рум кураши йўналишида совринли ўринларни қўлга киритиб келишаётир.

Бола тарбиясида, аввало, ота-онанинг масъулияти муҳим саналади. Афсуски, айрим оилаларда катта ёшдагилар фарзандларига ўрнак бўлиш ўрнига уларга салбий таъсирини ўтказади. Оқибатда оиладаги носоғлом муҳит ўсмирни уйидан бездириб, кўча-кўйда кўнгилхушлик билан овунишига, назоратсизлик натижасида эгри йўлга қадам қўйишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида нотинч оилалар ва тарбияси оғир болалар аниқланиб, улар ўртасида тарбиявий ишлар ташкил этилаётир. Жорий йилда 16 нафар вояга етмаган тарбияси оғир боладан 4 нафари Жиззах вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бошқармаси қошидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига, бир нафари эса Самарқанд шаҳар тарбияси оғир болалар мактабига жойлаштирилди. Шунингдек, 6 нафар феъл-атвори нуқсонли ота-она назоратга олиниб, уларга маҳалла фаоллари иштирокида тушунтиришлар берилди.

Қолаверса, белгиланган муддатгача хулқи ижобий томонга ўзгармаган ана шундай 4 нафар фуқарога нисбатан, қонунчиликда белгиланган тартибда, ота-оналикдан маҳрум қилиш чоралари кўрилиб, болаларининг бир нафари фарзандликка берилди, 3 нафари эса вилоятдаги 29-сонли Меҳрибонлик уйига жойлаштирилди.

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг таълим муассасаларида машғулотларга мунтазам қатнашини жамоатчилик асосида назорат қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш мақсадида туманимизда фаолият юритаётган 12 та фуқаролар йиғини, 20 та умумтаълим мактаби ҳамда 3 та касб-ҳунар коллежи мутасаддилари билан ҳамкорликда махсус иш режасини ишлаб чиққанмиз. Узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд дарсларга мунтазам қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаб, уларнинг ота-оналари, яқинлари билан якка тартибда тушунтиришлар олиб борилияпти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 27 нафар вояга етмаган боланинг ота-онаси билан хорижга кетгани аниқланиб, ҳозиргача 25 нафари манзилларига қайтарилди.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

# Корхона қандай тугатилади?

***САВОЛ:***

*— Корхонани ихтиёрий тугатиш тартиби ва муддатлари қайси қонун ҳужжати билан белгилаб берилган?*

**И. ВАҚҚОСОВ.** *Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани.*

***ЖАВОБ:***

— Тадбиркорлик фаолиятини ихтиёрий тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарорида белгиланган. Унга кўра, корхона муассис(лар)и корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши, тугатувчини тайинлаши ва унга корхона ҳужжатлари, муҳрини ҳамда мулкини рўйхат бўйича топшириши лозим. Шу куннинг эртасидан кечиктирмай бу ҳақда тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказган органга хабар берилади ва корхонанинг молия-хўжалик фаолияти ҳамда ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғини ҳисоблаб ёзиш тўхтатилади.

Рўйхатдан ўтказган органнинг билдиришномаси асосида солиқ органи корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини узоғи билан 30 кун ичида текширади. Тугатувчининг муҳим вазифаларига корхонанинг банкдаги иккиламчи ҳисобварақларини ёптириш, оралиқ балансини тузиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш киради. Бунда даврий босма нашрда корхона тугатилаётганлиги ҳақида эълон берилади ва кредиторлар талабнома билдиришлари учун камида 2 ой вақт ажратилади.

Пул маблағи етарли бўлмаганда корхона мол-мулки очиқ савдода сотилади. Муассис(лар) ўз ҳисобидан кредиторлар талабларини қондириш учун корхона ҳисобварағига пул киритиши мумкин. Кредиторлар талабларини тўла қондириш мумкин эмаслиги аниқланса, тугатувчи корхонани банкрот деб топиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиши шарт. Корхона ишчилари ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингач ҳамда барча солиқ қарзлари тўлангач, тугатиш баланси тузилади, банк ҳисобварағи ёпилади, рўйхатдан ўтказувчи органга муҳр ва штамплар, лицензия(рухсатнома)нинг асл нусхаси топширилади. Корхона давлат реестрига унинг тугатилганлиги ҳақида ёзув киритилган куни тугатилган ҳисобланади.

**Ойбек ҲАКИМОВ, ҳуқуқшунос.**

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

# Озода ва орасталик ҳар кўча ва хонадоннинг ҳар кунги иши

**Бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эътиборидан четда қолаётган масала йўқ ҳисоби. Аҳоли манфаатига оид барча хайрли ишларда маҳалла бош-қош. Айниқса, фуқароларнинг экологик маданиятини ошириш, ёшлар ўртасида атроф-муҳит муҳофазасига оид таълим-тарбияни шакллантиришда маҳалланинг алоҳида ҳиссаси бор.**




**■ М. МЕЛИҚУЛОВА «Mahalla»**

Яккасарой туманидаги «Бошлиқ» маҳалла фуқаролар йиғини аҳли айни кунларда ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Йиғин фаолларининг бу борада белгилаб олган аниқ тадбирлар режаси кўплаб эзгу ишларни адо этишда қўл келаётир.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллада кейинги йилларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришнинг кўлами кенгайди. Ўз ўрнида, йиғиннинг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси таркибида эл корига камарбаста, фидойи инсонларнинг меҳнат қилаётгани ютуқларга эришишда бош омил бўлмоқда.

— Ҳудуднинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирлар режаси тузилган, — дейди комиссия раиси Неъматилла Орипов. — Айниқса, комиссия ташаббуси билан «Энг обод уй», «Энг намунали кўча» кўрик-танловларининг мунтазам ўтказиб келинаётгани бу борадаги ишларни янада жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Йиғин фаолиятида кўп қаватли уйларнинг том ва ертўлаларини қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида банкдан олинаётган кредит қўл келмоқда. Комиссия аъзолари фаоллар билан биргаликда хонадонларни кўздан кечириб, таъмирлаш-тақсимот режаларини ишлаб чиққан.

— Маҳалламиз ҳудуди юзлаб мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар билан бурканган, — дейди комиссия аъзоси Зуляра Муродасилова. — Уларни асраб-авайлаб, парваришлаш ҳамда янада кўпайтириш учун аҳолининг масъуллигини ошириш, ёшларимизнинг табиатга меҳрини кучайтириш доимий эътиборимизда. Ободонлаштиришда фаоллик кўрсатаётганларни эса рағбатлантиряпмиз. Муҳими, ҳар бир кўча ва хонадондаги энг яхши тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Комиссия аъзолари бу билан чекланиб қолгани йўқ. Яқин кунларда маҳаллада болалар майдончаси қурилади. Бунинг учун саховатпеша тадбиркорлар ҳомийлик ёрдамларини ажратяпти. Шунингдек, махсус чиқиндихоналар сони ҳам яна иккитага кўпаядиган бўлди. Бу ишга туман ободонлаштириш бошқармаси ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ТУРИЗМ

# Сайёҳ тинч ва хавфсиз юртга сайёҳатга боради

**Ўзбекистон бой ўтмиш ва бебаҳо маданий мероси, фусункор табиати-ю табаррук қадамжолари, ноёб меъморий обидалари ва меҳмондўст халқи билан доимо жаҳон сайёҳларини ўзига ром этиб келган.**

**■ Учқун ЖАББОРОВ, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими етакчи мутахассиси.**



Юртимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Сайёҳлик кўлами ва тарихий обидалари бўйича Ўзбекистон дунёдаги етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олди. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Юртбошимиз раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини изчил тараққий эттиришга қаратилган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг кутилган самараларини бераётир. Мамлакатимизга 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюргани ва уларнинг сони 2 миллиондан ошгани ёки сўнгги икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоизга ўсиб, жорий йилнинг биринчи ярмида 1 миллиондан ортиқ хорижлик сайёҳ Ўзбекистонга келгани юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини оширишда, курортлар ҳамда сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда, малакали кадрлар тайёрлаш жараёнида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Чунончи, улар ҳудудларда меҳмонхоналар қуриш, тарихий-археологик боғлар барпо этиш, қишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомагистраль йўлларда сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этишда фаол.

Жорий йилнинг 1-3 октябрь кунлари БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқандда ўтказилгани Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузи тобора юксалиб бораётганини кўрсатди. Шунингдек, 6-8 октябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар мажмуида «Ипак йўлидаги туризм» XX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси ташкил этилди. Унда дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан кўплаб фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Самарқанд вилоятидаги маҳаллалар ҳам мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришга муносиб улуш қўшиб келаётир. Чунончи, бўлимимиз томонидан бу борада аниқ режа асосида амалий ишлар бошлаб юборилган. Мазкур режа доирасидаги бизнес лойиҳаларини ривожлантириш, банкнинг имтиёзли кредитларини олишида кўмаклашиш каби ишларда фуқаролар йиғини фаоллари бош-қош.

Бугун Самарқандда сайёҳларга юксак даражада хизмат кўрсатадиган юзга яқин меҳмонхона, автокемпинг бунёд этилган. Сайёҳлик харитасига қадим ҳунармандчилик масканлари — «Сўзангарон», «Кулолон», «Мисгарон» сингари маҳаллалар киритилгани, олий ўқув юртлари, коллежларда саёҳатга бошловчи мутахассислар тайёрланаётгани туризмни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Фуқаролар йиғини ташаббуси билан «Мингтут» маҳалласида тўрт қаватли янги меҳмонхона қурилиб, 20 нафар ёш ишли бўлди.

Хуллас, мамлакатимиздаги барқарор тинчлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳити сайёҳлик ривожи учун қулай имкониятлар яратмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, тинчлик ва хавфсизлик бўлмаган жойда ҳеч қандай сайёҳлик бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистондаги осойишта ҳаёт чет эллик сайёҳлар сафи муттасил кенгайишига, туризм ривожланишига, янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилмоқда.




## Оттавада отишма

**Оттавадаги уруш қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик саҳнида куролланган шахс бир аскарни отиб, парламент биноси томон йўл олган.**

Бу ерда у полиция билан отишмага киришган. Расмийларнинг баён этишича, куролланган шахс отган аскар кейинроқ жон таслим қилган. Жиноятчиларнинг сони аниқ эмас, аммо бир ҳужумчи қурбон бўлган. Оттава шаҳридаги савдо маркази ташқарисида ҳам отишма содир бўлган. Бунинг натижасида бир нечта бино қуршаб олинган.

Аввалроқ интернетдаги «Ал-Қоида» ва «Исломий давлат» каби радикал гуруҳларнинг «умумий сўзлашувлари фаоллашгани» боис Канада террор ҳужумлари хавфи эҳтимолини




«юқори» даражага кўтарди.

Эслатиб ўтамиз, октябрь ойи бошларида Канада Американинг «Исломий давлат»га қарши ҳаво ҳужумларига қўшилиши ҳақида эълон қилган эди.

## Вакцина тажрибадан ўтказилади

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти яқин бир неча ой ичида Эбола вирусига қарши янги вакциналар тажрибадан ўтказилишини маълум қилди.**



2015 йилнинг январида 2 та вакцина вирус пайдо бўлган Ғарбий Африка давлатларида, яна учтаси эса дунёнинг бошқа ҳудудларида синовдан ўтказилади.

Жорий йилнинг ўн ойи ичида Эбола вирусидан 4,5 минг нафар киши вафот этди.

Шунингдек, ЖСТ ўтган йилда сил касалига чалинган беморлар сони ярим миллион кишига кўпайганини маълум қилди. Ташкилот ҳисоботида айтилишича, ҳозир дунёда силга чалинганлар сони 9 миллион кишини ташкил қилади. Ўтган йили мазкур хасталикка чалинганлардан 1,5 миллион нафари вафот этган.

## Ёстиқчадаги носозлик туфайли

**Япониянинг «Toyota» компанияси ўтган йил ишлаб чиқарилган 247 минг дона автомобилни қайтариб олишини эълон қилган.**

Бунинг сабаби «Takata» ширкати томонидан етказиб берилган хавфсизлик ёстиқчаларидаги нуқсондир. Мазкур баёнот муносабати билан АҚШ йўл транспорти хавфсизлиги бўйича миллий маъмурияти мазкур ширкат маҳсулотларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган бошқа компанияларнинг автомобилларини харид қилган фойдаланувчилардан ҳам транспорт воситаларини текшириб қўйишларини сўраган.

Боиси «Toyota»дан ташқари «Honda», «Mazda», «BMW», «Nissan» ва «General Motors» компаниялари ҳам 2001 йилдан 2011 йилга қадар АҚШ учун ишлаб чиқарган автомобилларида «Takata» ширкати маҳсулотларидан фойдаланган. Шу боис хавфсизлик ёстиқчалари носоз бўлган автомобиллар сони 4,7 миллионтани ташкил этади.




**■ Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

БЕБАҲО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ

## *Қармоққа гирифторлик ҳам нафс муддаосидан*

Сабр ила кўп боғлиқ иш очилур, ишда ошуққан кўп тойилур, кўп тойилғон кўп йиқилур. Ишда ошуқмоқ ёш ўғлон ишидур, сабр била иш қилгувчи тажрибалиғ улуғ ёшлиқ кишидур.

***Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,***
***Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.***

* * *

Сайёд(овчи)нинг балиққа шаст солмоғи нафс муддаоси учундур. Балиқнинг ҳам қармоққа гирифтор бўлмоғи шу бало учун.

***Бўлди сайёдға нафс орзуси қайд,***
***Йўқса не ул эрди сайёд, не бу эрди анга сайд.***

* * *

Оз демак ҳикматқа боис, оз емак сиҳатга боис. Оғзига келганни демак нодон иши, олдиға келганни емак ҳайвон иши.

***Кўп демак бирла бўлмағил нодон,***
***Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.***

* * *

Кафшсизликдан малул ўлмағил, аёқсизларға боқиб шукур қил.

* * *

Танпўшинг дуруст бўлмаса, тандурустлиғингға шокир ўл.

* * *

Оқил чиндан ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқилнинг иши эмас.

* * *

Яхшидан ёмонлар ҳам ёмонлик кутмас, яхши ёмонларга ҳам яхшиликни унутмас. Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлиқ ҳам боре қилма.

**Алишер НАВОИЙ.**
***(«Маҳбуб ул-қулуб»дан)***

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

# Наъматак — соғлиққа тиргак

**Ҳаво ҳароратининг пасайиши шамоллаш, тумов, томоқ оғриғи каби касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади. Бундай хасталикларга чалинмаслик учун табиий маҳсулотлардан фойдаланиш, доривор гиёҳлардан тайёрланган дамламалар истеъмол қилиш кони фойда. Наъматак бу борада энг самарали воситадир.**

**■ Олтиной МАДАМИНОВА.**





Наъматакнинг шифобахш хусусиятлари қадим замонлардан бери маълум. Мевалардан тайёрланган қайнатмаю дамламалар камқонликнинг олдини олишда, шамоллаш туфайли келиб чиқадиган касалликларни даволашда истеъмол қилинади.

Бугунги кунда ҳам наъматак саломатликни мустаҳкамлаш, турли касалликларни самарали даволашда кенг қўлланилмоқда. Айниқса, бу неъмат артериосклерознинг олдини олиш ҳамда тананинг умумий аҳволини яхшилаш, сафро ва пешоб ҳайдаш хусусиятига эгалиги билан ҳам аҳамиятлидир.

— Наъматак С витаминига ниҳоятда бой, — дейди умумий амалиёт шифокори Моҳидил Рўзметова. — Наъматакнинг ҳамма қисмлари — гули ва барги, банди ва пўстлоғи, ҳатто уруғи ҳамда илдизи ҳам шифобахшдир. Шамоллашнинг олдини олишда эса энг самарали восита. Бунинг учун 8-10 дона мева устига 300 г. қайнаб турган сув қуйиш кифоя. Томоқ оғриганда наъматакли чойдан кўпроқ ичиш тавсия этилади.

Бундан ташқари, наъматак дамламасини тез-тез истеъмол қиладиган кишиларда юрак касалликлари ривожланиши хавфи 17 фоизга камайиши ҳам тиббиётда исботланган. Мутахассислар бундай хусусиятни наъматак таркибининг С витаминига бойлиги билан изоҳлашади. Ўзи ва оиласи саломатлигига бефарқ бўлмаган киши бундай шифобахш неъматдан ўрнида фойдалангани маъқул.

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

# Ёнғин ҳаёт ва мулк хатаридир

**Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш — тинчлигимиз ва осойишталигимизни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан. Шу боис соҳа ходимларидан нохуш вазиятларнинг олдини олиш чораларини кучайтириш, аҳолининг ёнғинга қарши масъулияти ва ҳушёрлигини ошириш тақозо этилади.**

**■ А. ХУДОЙҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ катта муҳандиси, майор.**

Афсуски, жойларда олиб борилаётган кенг кўламли тушунтиришлар, тарғибот тадбирларига қарамай кишиларнинг эътиборсизлиги оқибатида ёнғинлар содир бўлмоқда.

Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг таҳлилларига кўра, жорий йилнинг шу пайтига қадар мамлакатимиз бўйича содир бўлган ёнғиннинг 73 фоизи аҳоли тураржойларига тўғри келаётир. Уларнинг сабаблари ўрганилганда 38 фоизи оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 28 фоизи электр жиҳозларининг носозлиги, 16,2 фоизи иситиш печларини нотўғри ва ноқонуний ишлатиш, 10,5 фоизи эса болаларни қаровсиз қолдириш оқибатида келиб чиққан.

Мазкур сабабларни бутунлай бартараф этиш ва соҳа фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда унинг вилоятлардаги бошқарма ва бўлинмалари томонидан кўплаб профилактик чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Юртбошимизнинг 2014 йил 27 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу саъй-ҳаракатлар изчиллигини таъминлаётир.



Хусусан, шу йилнинг ўзида соҳа ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги аҳоли пунктлари, таълим муассасалари, ишлаб чиқариш, савдо-саноат ва бошқа тармоқларда ёнғин хавфсизлиги қоидалари тарғиботини уюштиришди. 268 минг 922 марта учрашув ташкиллаштирилиб, уларда 3 млн. 868 минг 300 нафардан зиёд фуқаронинг иштироки таъминланди. Қолаверса, марказий ҳамда ҳудудий оммавий ахборот воситалари орқали 19 минг 250 марта чиқиш уюштирилди. Шунингдек, тегишли корхона ва идора мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан биргаликда газ ва электр қувватидан, техник талабларга жавоб бермайдиган носоз иссиқлик ҳамда ёритиш манбаларидан фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказилди. Рейдлар давомида бугунги кунга қадар 3 млн. 427 минг 215 дан ортиқ аҳоли тураржойи, 35 минг 229 та кўп қаватли уйнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди. Натижада ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган, соҳа ходимларининг қонунга асосланган ёзма кўрсатмаларини бажармаётган 7 минг 795 нафар раҳбар, жавобгар шахс ва фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди, 768 та бино ва иншоотнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилди.

Дарҳақиқат, ҳушёрлик ва огоҳлик барқарор жойда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилади ва ўша ерда кўнгил хотиржамлиги, хонадонлар осойишталиги таъминланади.

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР

# Меҳр — дарё, муҳаббат — соҳил

**Қишлоқ узра кузакнинг салқин оқшоми ёйилди. Ногиронлар аравачасида китоб ўқиётган Санобар дарвоза очилиб ҳовлига кимдир кириб келаётганини эшитди. «Бемаҳалда ким бўлди экан? — юраги безиллади унинг. — Яна анави кундагидек...».**

**ГУЛҲАЁТ.**

— Ҳой, айланай Санобархон, уйдамидингиз? — Хушрўй кампирнинг овозини эшитиб, аёл енгил тин олди. Оқ рўмол ўраган момо қўлида тугунча кўтарганча, кулимсираб жувонга яқинлашди. — Келин манти қилувди. Сизга ҳам илиндим, ўргилай, иссиғида еб олинг. Ҳозир чой ҳам қўяман.

Ўқиётган китобининг саҳифасини белгилаб, сўрашишга чоғланган Санобар момонинг иссиқ меҳрини туйди. «Ахир, бу кекса онахонга мен нима яхшилик қилганманки, у менга бунчалар ғамхўр? Аксинча, унинг оиласига озмунча ғурбат келтирдимми?» Ошхона томон кетаётган кампирга қараб, унинг хаёлида яқинда бўлиб ўтган воқеалар жонланди.

...Санобар отасини эслай олмайди. Аммо онаси бутун ҳаётини қизалоғига бағишлади. У гилам тўқир, нақшинкор, бежирим, чўғдек ёнган гиламларга бир йил бурундан буюртмалар бериларди. Ҳунарини қизига ўргатган бўлса-да, она Санобарнинг ўқиб шифокор бўлишини истарди. Ёлғизининг бекаму кўст улғайиши учун бош кўтармай меҳнат қилди, яхши билим олиши учун тўкис шароит яратди. Аммо ҳаддан ортиқ эркалатилган қиз на ўқишни истади, на онага ёрдамлашишни, аксинча, худбин, такаббур бўлиб вояга етди.

Қизининг тор феъли келин бўлиб тушган уйида турли ғавғо, машмашани келтириб чиқаришини она кутмаган экан. Оқ фотиҳа бериб узатган қизи бир ой ўтар-ўтмас қайнонадан тортиб, қайин-бўйинларнинг барини юмма талаб қайтиб келганида онанинг боши эгилди. Бутун маҳалла ёш оилани яраштиришга уринди. Аммо қизи унамади.

Кўп ўтмай телефонда «бахтини топган» Санобар қўшни вилоятлик йигитга турмушга чиқишга қарор қилди. Ўзини кўрмаган бўлса-да, қайсидир хорижий компанияда ишлайдиган бу йигитнинг топармон-тутармонлиги, қўша-қўша машина, уй-жойлари ҳақидаги гапларидан Санобарнинг юраги ҳапқириб кетди. Уч ҳафтадан сўнг учрашишди. Йигитнинг совуқ турқи онага ёқмади, «Суриб-суриштайлик, бу ўзи қандай одам?», деган гапларини эса Санобар жавобсиз қолдирди. Хуллас, тўй шу ерда ўтди. Куёв томондан ҳеч ким қатнашмади. Кунлар, ойлар ўтаверди, бироқ йигит уйига қайтай демас ёки ишга бормасди.

Шундай кунларнинг бирида куёвга хорижлик ҳамкорлари сим қоқди: ишчи керак экан. У одам йиға бошлади. Бу «юмуш»га Санобар ҳам бош қўшди. Жувоннинг: «Жуда сердаромад иш, бир йилда бойиб кетасизлар», деган гаплари соддадил маҳалладошларига маъқул тушди. Қўшни Абдулла аканинг икки ўғли, Хушрўй кампирнинг ёлғиз Азимжони, синфдошлари Икромжон ва Зарифжон каби қўни-қўшнилардан иборат гуруҳни йиғиб, куёв хорижга йўл олди. Санобар эса кейинги гуруҳга одам йиға бошлади. Бироқ хорижга ишга кетганларнинг аҳволи ёмон эди. Совуқ юртнинг об-ҳавосига кўниколмай йигитлар касал бўлиб қолишган, на еб-ичишнинг тайини бор, на дам олишнинг. Фақат қора меҳнат. «Ҳужжатларимизни қайтаринг, биз бу ерда ишламаймиз», деганида Хушрўй кампирнинг ўғлини куёв темир билан савалади. Буни Санобар кўриб турган бўлса-да, кўрмаганга олди. «Барибир уйга қайтсам, булар мени судга беришади», деган ўйда аёл юртига қайтишни хаёлига келтирмас, бетоб онасининг аҳволи билан қизиқмасди.

Бир гал қурилиш майдонига борган аёл бехосдан қулаб тушган бетон тўсин остида қолиб оёқларидан ажралди. Ана шунда эрининг асл башараси намоён бўлди: у ногирон аёлдан воз кечди. Санобарнинг кунига эса, маҳалладош йигитлар яради. Бир амаллаб ҳужжатларини қайтариб олган йигитлар Хушрўй кампирнинг ўғли Азимжон билан Санобарга аранг чипта сотиб олиб, кузатиб қўйишди. Қизини бу алпозда кўрган она эса юрагини чангаллади.

Қайтиб келишгач, маҳалладошларидан бирортаси судга мурожаат қилмади, меҳнат ҳақини сўрамади, аксинча, орада гўё ҳеч қандай воқеа юз бермагандек, Санобар билан яхши муомалада бўлишди. Бир ой олдин қўшни қишлоқлик йигитларнинг яқинлари келиб жанжал кўтаришди, иш ҳақи талаб қилишди. Уни судга беришларини айтишганида, онанинг юраги яна хуруж қилди. У энди бу азобларга дош беролмади...

Онанинг ўлими қўшни қишлоқлик йигитларни ҳам юмшатдими ё юз-хотир қилишдими, ҳартугул, улар Санобарни кечиришди. Якка ўзи қолган Санобарни маҳалла ёлғизлатиб қўйгани йўқ. Тунов куни Абдулла аканинг ўғиллари келиб қиш олди ҳовлининг таъмирталаб жойларини тўғрилашди, томдан чакка ўтмайдиган қилишди, печкаларни созлашди. Хушрўй кампир-ку кунда икки-уч хабар олади. Ким тансиқ овқат пиширса, албатта, бир коса чиқаради. Уларнинг меҳрибонлигидан Санобар қанчалик севинса-да, юрагидаги ғашлик тарқамайди: «Маҳаллам бамисоли офтоб. Унда меҳр қуёши порлайди. У кўнгилларга қўнган гина-кудурат музларини зумда эритиб юборади. Қалбларга эзгулик, одамийлик уруғларини қадаб куртак оттиради. Дунёда яқинларим қолмаган, аммо маҳаллада аканинг, сингилнинг, опанинг, уканинг — барча жигарларнинг меҳрини, онанинг фарзандига ғамхўрлигини ҳар куни ҳис қиламан. Аммо менчи? Уларга қандай фойдам тегади?». Шуларни кўнглидан ўтказган Санобар миясига келган фикрдан суюниб, аравачани ҳовли тўридаги устахона томон шитоб билан ҳайдади.

...Эрталаб маҳалла маслаҳатчиси билан суҳбатлашиб идорадан қайтаётган Санобарни учратганлар уни жуда хурсанд ҳолда кўришди. «Қизларингизни, келинчакларни, кимнинг гилам тўқишга қизиқиши бўлса, барини уйимга жўнатинглар, мен тўгарак ташкил қиляпман», дерди у йўлида учраган маҳалладошларига.



МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

# Кичик чемпионнинг катта орзуси

**Сулаймон маҳалла болаларига қўшилиб, ҳудуддаги бокс тўгарагига қатнай бошлаганида ота-онаси бироз ажабланишди. Тўғри-да, оилада ушбу спорт тури билан шуғулланиш тугул, ҳатто томошабин сифатида қизиқадиган киши бўлмаса. Аммо фарзандининг интилишига эътироз билдиришмади. Ҳар ҳолда ўғил бола, бирор фойдали машғулот билан банд бўлгани яхши.**



**Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»**

Аммо Сулаймоннинг бокс билан шуғулланиши шунчаки қизиқиш доирасида қолиб кетмади. Маҳалладаги тўгаракда Раҳматилла Муҳаммадиев қўл остида беш йил — ўн беш ёшигача шуғулланди. Бу орада у билан бирга машғулотни бошлаган кўпчилик тенгдошлари машқларнинг қийинлиги, жадвалнинг тиғислигига дош беролмай ортга чекинишди.

Ёш спортчининг маҳорати ошгач, маҳалладаги тўгарак уни қаноатлантирмай қўйди. Раҳматилла ака шогирдига машғулотларни болалар ва ўсмирлар спорт мактабида давом эттиришни тавсия қилди. Бу мактабда Ҳамза Авезов қўл остида шуғулланишга киришган Сулаймон тез орада республика миқёсидаги турнир ва чемпионатларда зафар қозона бошлади. Шу боис ўз вазни ва ёши тоифасида мамлакат терма жамоасига жалб этилди.

2013 йилда қитъа, 2014 йилда эса Болгариядаги жаҳон чемпионатида кумуш медалларни қўлга киритган С.Латипов Хитойнинг Нанкин шаҳридаги ўсмирлар иккинчи ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашди. Зафарли одимларни давом эттирган спортчи Чин ўлкасида кечган нуфузли мусобақада ҳам 49 килограмм вазнда кумуш медаль соҳибига айланди.

— Қайси ёш тоифасида бўлмасин жаҳон майдонида мамлакат номидан иштирок этиш спортчига катта масъулият юклайди, — дейди ўн етти ёшли спортчи. — Мен ҳам ҳар гал рингга чиққанимда ўзимни оддий боксчи эмас, балки жонажон юртимнинг вакили сифатида майдонга тушганимни ҳис қиламан. Рингда бирор-бир даражадаги медаль учун эмас, халқимиз ғурури, юртимиз обрўси учун курашаман. Шу боис гарчи ушбу олимпиадада фахрли иккинчи ўринни қўлга киритган бўлсам-да, ўзимнинг иштирокимдан қониқмадим. Келгуси олимпиадаларда олтин медалга муносиб даражада ҳаракат қиламан.

Қаҳрамонимизнинг бу гапларни ишонч билан айтганининг асослари бор, албатта. Юртимизда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёшларни жисмоний ва маънавий етук кишилар этиб тарбиялашга, мамлакатимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоялашга қодир истеъдод соҳибларини вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли спортчиларимиз турли даражадаги беллашувларда юқори натижаларга эришяпти. Биргина бокс бўйича Бухоро вилоятининг ўзидан жаҳон ареналарида номлари мағрур янграган ёшларимиз бир қанча. Улар сафида Лондон олимпиадаси совриндорлари, икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев, Буюк Британиядаги олимпия ўйинлари иштирокчиси Фазлиддин Ғойибназаров ҳам бор. Сулаймоннинг ютуқлари эса Бухоро бокс мактаби анъаналари бардавомлигини кўрсатмоқда.

— Сулаймон — маҳалламиз фахри, — дейди Бухоро шаҳридаги «Шарқ юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нилуфар Остонова. — Албатта, кўз олдингда ўсиб-улғайган боланинг жаҳонда довруғ қозониб, эл-юрт эътирофига сазовор бўлганини кўриш — катта бахт. Шу боис Сулаймоннинг ютуғи шарафига вилоятда тантанали байрам тадбири уюштирилгани, вилоят ҳокимининг унга Президентимиз совғаси — «Matiz» автомобилини топширганини кўрган ҳар бир маҳалладош қалби чексиз ифтихорга тўлди.

Дарҳақиқат, ушбу маҳаллада спортнинг футбол ва бокс турлари оммалашган. Йиғин ёшлари бир неча бор республика мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаган. Айниқса, Сулаймоннинг халқаро майдондаги ютуқларидан сўнг маҳалладаги бокс тўгараги янада гавжумлашди. Ўйлаймизки, бу ёшлар ҳам чемпион изидан бориб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишади.

ЭЪЛОН

# Ишонч телефонлари

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган бошқарма ва туман бўлимларининг ишонч телефонларини маълум қилади.**

| № | Бошқарма ва туман бўлимлари | Ишонч телефони рақамлари |
|---|---|---|
| 1 | Бошқарманинг навбатчилик қисми | 241-92-05 |
| 2 | Бектемир туман бўлими | 295-18-90 |
| 3 | Мирзо Улуғбек туман бўлими | 237-44-82 |
| 4 | Миробод туман бўлими | 215-67-07 |
| 5 | Олмазор туман бўлими | 228-01-00 |
| 6 | Сергели туман бўлими | 258-75-71 |
| 7 | Учтепа туман бўлими | 271-52-06 |
| 8 | Чилонзор туман бўлими | 271-12-56 |
| 9 | Шайхонтоҳур туман бўлими | 230-31-85 |
| 10 | Юнусобод туман бўлими | 234-20-67 |
| 11 | Яккасарой туман бўлими | 250-13-66 |
| 12 | Яшнобод туман бўлими | 289-59-88 |

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

*Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамот фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллиги муносабати билан Оммавий ахборот воситалари ва журналистлар ўртасида*

# «Истиқлол — ғururим, маҳаллам — фахрим»

*кўрик-танловини ўтказади*

Танловда Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашдаги илғор тажрибалари ёрқин ва таъсирчан усулларда ёритилган журналистик асарлар қабул қилинади.

Маҳалланинг ноёб ижтимоий институт, миллий қадрият ва анъаналар маскани сифатида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ишончли кўмакчиси, таъсирчан тузилма эканини аниқ мисоллар орқали ёритиш кўрик-танловнинг бош мақсади этиб белгиланган.

***Танловга 2014 йилнинг 1 мартидан 15 ноябригача бўлган даврда газета ва журналларда эълон қилинган, радиода эшиттирилган, телевидениеда кўрсатилган, интернет нашрларида жойлаштирилган материаллар жорий йилнинг 20 ноябрь кунига қадар қабул қилинади.***

**Ғолиблар учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

— Журналистика соҳасида бош мукофот. (1 та).

Журналистика соҳасида бош мукофот соҳиби махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (телевидение соҳасида);
- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (радио соҳасида);
- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (даврий матбуот соҳасида);
- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (Интернет-журналистикаси соҳасида).

Асосий мукофот ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланадилар.

Танловга теле-, радио- ва босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:**

- Муаллифнинг исми шарифи;
- Профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- Муаллифнинг турар-жойи, уй ва иш телефонлари;
- Паспорт нусхаси.

Танлов ғолиблари ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида ўтказилади.

**Танлов натижалари «Mahalla» газетаси ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди веб-сайти(www.mahallafond.uz)да эълон қилинади.**

**Материаллар «Истиқлол — ғururим, маҳаллам — фахрим» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:**

*100000, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Мустақиллик кўчаси 59-уй 4-қават.*

*Телефонлар: (0 371) 233-71-88, 236-37-90*

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

# Шовқин хасталиклар сабабчиси...ми?

**Атроф-муҳитда ўнлаб, ҳатто юзлаб салбий таъсир омиллари мавжудки, улардан вақтида ҳимояланмаслик инсон соғлиғига путур етказади. Айтайлик, истеъмолга яроқсиз озиқ-овқатдан ёхуд чанг таъсиридан ўзимизни сақлаймиз. Аммо саломатликка путур етказадиган шовқин-сурондан асраниш хаёлимизга келмайди.**

**Моҳира ҚАМБАРОВА, олий тоифали шифокор.**

Тартибсиз товушлар авжидан юзага келадиган шовқин асаб тизимига зарар етказади. Дейлик, кўп қаватли уйлар, кўчалар, енгил автомашиналар ҳамда жамоат транспортларида мусиқа товушини ҳаддан ташқари баландлатиш кўпчиликнинг ғашига тегади. Илгари фақат эшитиш аъзоларига зиёни бор, дейилган шовқиннинг инсон сезги аъзолари, юрак қон-томир ва марказий асаб, овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат тизимларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши эндиликда аниқланди.

Ёшлар ўртасида махсус қулоқчин(наушник)дан фойдаланиш одат тусига айлангани ташвишланарли ҳол. Чунки қулоқ ичида мусиқанинг жаранглаб туриши эшитиш қобилиятига шикаст етказади. Айрим ўқувчи ва талабалар қулоқчинни қулоққа тақиб дарс тайёрлашга одатланган. Инсон бир вақтнинг ўзида диққатини бир неча ҳолатга қаратиши мушкул. Қолаверса, юқори даражадаги шовқин таъсирида ўқувчиларнинг сабоқларни ўзлаштириш даражаси пасайиб, хотираси 12-16 фоизгача сусайиши фанда исботланган.

Завод ва фабрикаларда, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган техника ва бошқа асбоб-ускуналар шовқинини сусайтириш чоралари кўрилмоқда. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида турли хил тебранишларни камайтиришга мўлжалланган мосламаларни, товуш юткичлар, ҳимоя воситалари ишлаб чиқилмоқда. Масалан, шаҳарларда автомашиналар, трамвай ва бошқа транспорт воситаларидан чиқадиган шовқинни 70 фоизгача камайтириш учун йўл четлари кўкаламзорлаштирилиб, тўғри ва баланд ўсадиган дарахтлар экилаётир.

Аксарият ҳолларда тўйхоналарда юқори товушли мусиқалардан кишилар азият чекади. Овоз кучайтиргичлар меъёрида, рухсат этилган децебелларда ишлатилса, тўйга келган меҳмонлар бир-бирининг дийдоридан тўйиб, куй-қўшиқлардан мириқиб дам олади. Бу борада, биринчи галда, санъаткорларимиз, тўй эгалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллар, мутасадди ташкилотлар ходимлари назоратни сусайтирмаслиги керак.

Эшитиш орқали бизнинг тилимиз шаклланади, табиат гўзалликларига ошно бўламиз. Бирор кунимизни радио ва ойнаижаҳонда янграётган мусиқаларсиз тасаввур эта олмаймиз. Аммо ҳар нарсада ҳам меъёрни сақлаган яхши. Ортиқча шовқин-сурондан тийилиб, ҳар доим ўз саломатлигимизни асрашимиз зарурлигини ёдда тутишимиз лозим.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73
ISSN 2010-7013
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Хожиева
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148 20090 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1218 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00